



MILLIY TIKLANISH

35 (304) ● 2014 йил 10 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган


Улкан ютуқларга, аввало, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, барча соҳаларда изчил ислохотларни амалга ошириш орқали эришилмоқда. Бу юксак натижалар ўз-ўзидан, осонгина қўлга киритилмаганини ёддан чикармаслигимиз бугунги кунда ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир



Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотган, мустақилликни энг азиз неъмат эканлиги, уни асраб-авайлаш лозимлиги, шу юрт, шу ватан учун керакли фарзанд бўлиб улғайиш лозимлиги таъкидланганда ушбу сабоқ фарзандларимиз калбида бир умр муҳрлиниб қолиши аниқ



Робот суткасига 24 соат давомида тинимсиз ишлаб, қош-қовоқ қилмасдан, касаллик таътилга чиқмай, боз устига кўрсатмаларни сўзсиз ва аниқ бажариб, кўп йиллар давомида хўжайинига садоқат билан хизмат қилади



4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

6 ЖАРАЁН

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

● Анжуман



Ўзбекистон Президентининг ШХТ саммитида иштирокига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2014 йил 11-12 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ри ташкилот фаолиятини янада тақомиллаштириш истиқболларини, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳамда ўзаро манфаатли бошқа масалаларни муҳокама қиладилар.

● Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Ўзликни англаш — келажакка йўл очади

Ватанимизнинг буюк тарихидаги энг улуг, энг азиз бўлган Мустақиллик байрами шуқуҳи сўнмаган шу кунларда Президентимиз Ислам Каримовнинг истиқлолнинг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ҳамон қалбларимизда акс-садо бериб, чуқур мазмун-моҳияти ва илгари сурилган ғоялари уни янада теран англашга ундамоқда. Айниқса, табрикдаги "Мустақиллик, истиқлол деган улуг неъмат аввало халқимизга эркинлик ва озода ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир", дея истиқлолга берилган таърифда ўзлимизни англаш туйғусига алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакат тараққиёти ва одамлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш, мустақил фикр ва мустақам иродага эга ҳамда комил инсон тарбиясида миллий ўзликни англаш етакчи ўринда туради. Миллий ўзликнинг таянчи эса тарих ва маънавиятдир. Халқни халқ, миллатни миллат сифатида ўзликни сақлаб қолиш, унинг раванқ топиб, дунё тамаддунидан муносиб жой эгаллашида улугвор тарихимиз ва маънавиятимиз бекиёс аҳамият касб этади. Ўз мустақил миллий давлати, сиёсати, иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятига эга халқина миллий тикланишига

юз тутади. Аслида, бу тушунчалар бир-бири билан ғоятда мустаҳкам боғлиқликка эга. Чунки, ўзлимизни англаш ва миллий тикланиш орқали мустақил, миллий сиёсат ва иқтисодиётга, маданият ва маърифатга эга бўлаемиз. Дунё харитасида янги ўзбек давлатининг пайдо бўлиши улкан тарихий-сиёсий воқеа бўлиши билан бир қаторда, тамоман янги давлатчилик тизими ва тузуқларини яратиш борасида дадил қадам бўлди деб, бемалол айтишимиз мумкин.

2-бет

2-бет

Миллий тикланиш — миллий ўзликни идрок этиш демакдир

бу улуг мақсад партияимиз ғояларига муштарак

"Сиз ёшларга ҳавасим келади. Дориломон замонда туғилиб, камол топаёйсиз. Ўқиб-ўрганиш учун ҳамма шароитлар бор. Илм оламан деганга йўл очилди. Биз эса вақтида "Алпомиш"ни овоз чиқариб ўқиганга кўрқардик. Бу дostonни болаларимизнинг қўлоғига шивирлаб айтган кунларим бўлган. Ўзлимиздан бутунлай айрилиб қолган эдик. Бугун мустақиллик туфайли ана шу ўзлик яна ўзимизга қайтди. Энди ҳеч нарсадан чўчима, баралла овозда невараларимга "Алпомиш"ни ўқиб бераёлман. Дарахт илдизсиз яшай олмаганидек, инсон ҳам миллий ўзлиги билан тирик экан. Истиқлолни мен, энг аввало, ўзлимизни қайтариб бергани учун ҳам қадрлайман." Сочларига оқ оралаган момонинг бу сўзлари ҳар биримизнинг юрагимизда фахру ифтихор туйғуларини уйғотади. Шундай кунларда яшайганимиз учун шукроналар айтгимиз келади.

Чиндан ҳам истиқлолнинг қиммати биз учун ниҳоятда бебаҳо. У бизга миллий ўзлимизни, миллий маънавиятимизни қайтиб берди. Қадримиз ва қаддимизни кўтарди. Дунё билан бўйлашишга имкон яратди. Бу кунларнинг қадрини биздан кўра сочига оқ оралаган ўша момолар кўпроқ билади. Таҳқирлардан чарчаган боболар теранроқ англайди. "Сизга ҳавасим келади", "Яхши кунларда туғилгансиз." Бу гапларни эшитиш нақадар яхши. Сенга ҳавас кўзи билан қарашаётганини ҳис этиш бунчалар ёқимли. Шунинг учун ҳам бу байрам ҳар биримиз учун энг улуг ва энг азиз байрамдир.

● Электорат минбари

Ҳуқуқий маданият уни янада юксалтириш тарафдоримиз

Мустақиллик йилларида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислох этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Пировадда юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун бугун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқ таълими тизимини тиклаш ва ватанпарварлик тафаккурини тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фаол аъзоси сифатида шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, партияимиз томонидан бугунги кунда таълим, фан ва маданият соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Ўзим ҳуқуқ фани ўқитувчиси бўлганим сабабли ҳам ўсиб келаятган ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган кўрик-танловларни мунтазам ўтказишда партия-

миз фаоллари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳуқуқ соҳаси кадрларига нисбатан бўлган талаб ва эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бугунги кун ҳар бир корхона, идора ва муассасада ҳуқуқшунос кадрлар бўлишини талаб этаяпти. Қувонарлиси, коллежимизни битираётган талабаларимиз бугунги кунда ўз йўналишлари бўйича меҳнат қилишмоқда. Хусусан, ЎзМТДП томонидан

ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида ўтказилган "Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танловида коллеж ёшлари вилоят ва республика миқёсида совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. "Адолат посбони" тўғраги воситасида ўқувчилар ўз соҳаларига доир жараёнларни саҳналаштириш баробарида суд залида адвокатлар қандай иш олиб бориши, ўзларини қандай тутиши, турли идораларга қай тарзда мурожаат қилишлари лозимлиги борасидаги билимларини ҳам мустаҳкамлашга интиломоқдалар.

Жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловда ҳам ЎзМТДП таълим соҳаси ва унинг вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда партиянинг янги сайловолди Платформасида фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни тарғиб қилиш ишларини янада кучайтиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зарифа УМАРОВА,
Олтинқўл иқтисодиёт
коллежи кафедра мудири

● Партия гуруҳларида

Депутатлар масъулияти

партия нуфузини мустаҳкамлашда асосий ўрин тутади

2-бет



● Депутатлик сўровлари

Юртимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёнида сиёсий партиялардан электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ўз дастурий қарашларини рўёбга чиқаришда фаол ва ташаббускор бўлиш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятининг янада изчил ва халқчил бўлишига хизмат қилади.

Электорат манфаатларини таъминлаш

ишонч қозонишнинг муҳим омилidir

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

Саодатли кунлар шукронаси

худудий Кенгашларда истиқлол айёмига бағишланган тадбирлар ўтказилди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Нукус шаҳар Кенгаши томонидан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида миллий давлатчилигимизни мустақамлаш, буюк келажагимиз пойдеворини қуриш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни тиклаш, муътабар заминимизда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оиланинг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиш борасида кўлга киритилган ютуқлар бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Байрам муносабати билан ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган тадбирлар мустақамлаш, ёшларни миллий истиқлол гоёсига содиқ, ватанпарвар қилиб тарбиялаш, уларни аждодларимизга муносиб авлод қилиб воёга етказиш, эришилган ютуқларни келажақ авлод ўртасида кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш сингари дастурий мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳамда "Чевар бека" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўз олганлар туманда миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначилик билан шугулланаётган фуқароларга банкдан имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашиш, улар ишлаб чиқараётган миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларини ташкил этиш орқали миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш, бу борада Республика "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликни ривожлантириш лозимлигини кайд этдилар.

Тадбир давомида уста хунармандларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида уларга соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда тижорат банкларининг хунармандларга мўлжалланган банк хизматлари, имтиёзлари хусусида маълумотлар берилди.

НАМАНГАН

Мамлакатимизда халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, халқ ижодиёти соҳасига ёшларни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнда ЎзМТДП ёшлар ўртасида миллий қадриятларни тарғиб қилиш, миллий хунармандчиликнинг барча турларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу фикрлар партия Нурин туман Кенгаши томонидан ўтказилган "Миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги ёшларнинг ўрни ва роли" мавзусидаги тадбирда алоҳида кайд этилди.

Шунингдек, тадбирда миллий хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, касаначилик билан шугулланувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёш хунармандларнинг соҳа сирларини ўрганиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, "устоз-шогирд" аъёнларини янада ривожлантириш, миллий бозорни сифатли маҳсулотлар билан бойитишни рағбатлантириш, тижорат банклари томонидан хунармандларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳамда тақдирлар билдирилди.

АНДИЖОН

ЎзМТДП Избоскан туман Кенгаши томонидан "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида аҳоли турмуш даражаси жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи кундан-кун ошиб бормоқда. Мазкур жараёнда ЎзМТДП томонидан ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб мустақилликни мустақамлаш, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадрият ва аъёнларга содиқлик руҳида камол топтириш, аждодлар мероси, бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқларни улар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида турли лойиҳа, кўриктанлов ҳамда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу эса ёшларда аждодлардан фахрланиш, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссининг шаклланиши ҳамда келажақда муносиб авлод бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

СИРДАРЁ

ЎзМТДП Сардоба туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан туманда бошланғич партия ташкилотларининг сайловларга пухта тайёргарлиги, сайлов кампанияси даврида қуйи бўғинлар фаолиятини ташкил этиш, ёшлар ўртасида партия гоёси ва мафурасини кенг тарғиб қилиш, электоратни қизиктириётган масалаларни ўрганишга қаратилган "Сайлов ва ёшлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўз олганлар бугун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва мустақамлаш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганини эътироф этишди. Шунингдек, жорий йилда парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга партия туман Кенгаши ҳам пухта ҳозирлик қўриб, изчил ҳаракат олиб бораётгани, туман Кенгаши қошидаги 385 нафар ёшни бирлаштирган 26 та бошланғич партия ташкилотлари ЎзМТДП гоё ва дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайлов қонунчилиги ҳамда унга киритилган ўзгаришларни аҳолига етказиш мақсадида мунтазам тадбирлар ўтказиб келаётгани таъкидланди.

ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Бахмал туман Кенгаши томонидан "Истиқлол ва ёшлар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш, баркамол авлодни воёга етказиш, уларнинг сифатли таълим олиши, касб-хунарга эга бўлишини таъминлаш ҳамда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёш авлод камолотига қаратилган эътибор ва гамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар истиқлолнинг мазмун-моҳияти, эришилган ютуқларни келажақ авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларига содиқ, Ватан тақдирига дахлдор, ватанпарвар инсонлар бўлиб камол топишларига кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади.

БУХОРО

ЎзМТДП Когон туман Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан "Миллий қадриятлар — миллат бешиги" мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат И.Эшов сўзга чиқиб, маънавиятни юксалтириш, тараққий этаётган даврда миллат ўзлигини сақлаб қолиш, фидойи, ватанпарвар, баркамол авлодни тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини таъкидлади.

Эътироф этилганидек, маънавиятимизни юксалтиришда миллий урф-одат, аъёнларимиз ҳамда уларнинг замирида муржаасан бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч, осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистон мустақиллигига эришган, миллий қадриятларга эътибор қучайиб, улар мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлайдиган маънавий асослардан бири сифатида хизмат қилмоқда. ЎзМТДП томонидан ўтказиб келинаётган тадбир, лойиҳа ва фестиваллар ана шу қадриятлар ривожига хизмат қилмоқда.

Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёнларини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни миллий маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий бишмдонини, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш, фольклор, тарихий ва маданий меъморий ёдгорликларни, Ўзбекистон халқининг моддий ва номоддий меросини асраш ва ривожлантиришини ҳуқуқий асосларини, истеъдодли ва ижодкор одамларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини такомиллаштиришга кўмаклашишни ўзининг устувор мақсад-вазифаси деб билади.

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

Қўмитаси девони етакчи мутахассиси Наргиза Шайдуллаева. — Она юртга садоқат, муҳаббат, дўстлик, биродарлик, қаҳрамонлиқни таранум этувчи хилма-хил мазмундаги достонлар улғайиб келаётган келажақ эгаларида миллий ифтихор ва ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик каби туйғулارнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Партия сайловолди Платформасида ҳам халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ёшларда миллий тарих ва халқ аъёнларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиши керак. Мазкур тадбир ҳам тарихий қадриятларимизни янада чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамиятга эга, десак муболага қилмаган бўламиз. Тадбир якунида бахшичилик санъатида илк қадамларини қўяётган ёшлар Ўзбекистон халқ бахшилари Ўшбоқ Марданқуллов, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёновдан маҳорат сабоқларини олдилар. Шунингдек, фестивалнинг фаол иштирокчилари партия вилоят Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Ангор туман Кенгаши
Ижроия Қўмитаси раиси

Фестиваль

Бахши созида истиқлол мадҳи

ЎзМТДП қадим анъана ва қадриятлар тикланиши тарафдори

Шоирлари қалам олди қўлига,
Муस्ताқиллик илҳом берди дилига.
Гуллаб яшнасан азиз ватани,
Нурларга тўлсин чўли-чамани.



Илҳом НОРОВ,
бахши, "Нихол" мукофоти совриндори:

— Эътироф этиш жоизки, бахшилар дostonларимизни неча минг йиллардан буён бугунги кунга қадар безавол етиб келишида гўзал ва бой эпик меросимиз, маданиятимизни келажақ авлодларимизга мерос сифатида қолдиришда улкан ва беминнат хизмат қилишмоқда. Бахшилар меҳнатқаш халқнинг ўй-фикрлари ва орзу-ниятларини сода, халқона сатрларда, зўр маҳорат билан ижро этиб келмоқда. Бу каби тадбирлар ёшларимизнинг бахши ва бахшичилик санъати хусусидаги билимларини ошириш, воҳа бахшилари ижоди билан танишиш имконини бериш билан бирга Ватанга муҳаббат, садоқат, ватанпарварлик туйғулари шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шу ўринда фурсатдан фойдаланиб, бой маданий меросимиз — бахшичилик санъатининг кенг тарғиб қилинишида бизга яқиндан туриб кўмаклашаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

дўмбирасидан таралаётган куй, унинг ширали овози қалбни беихтиёр тўлкилантиради, жунбўшга келтиради. Халқ қалбининг нолаарини таралган дostonлар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, инсоният маънавий тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Негаки, ўзбек халқ дostonларида халқимиз бадиий тафаккурининг жуда бой ва қадимий аъёнлари мужассам. Дostonчилик санъатининг бу каби бадиий аъёнлари халқ бахшиларининг тақдирини амалиёт ва тинимсиз меҳнати билан бизга етиб келган. Шу тарихи бир-биридан гўзал, бир-биридан сара термалар ва дostonлар бутун салобати ҳамда оҳанрабо си билан хали-ҳануз тингловчиларни баҳраманда этиб келмоқда. Улар қадимдан инсон қалб торининг энг

нозик ришталарини чертган, эстетик ва руҳий озуқа улашиб келган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек дostonларининг аксарияти халқнинг тарихий ўтмишини акс эттиради. Бунга "Алпомиш", "Кунтуғиш", "Авазон", "Ойпарча" каби ўнлаб дostonларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Халқ оғзаки ижодининг нодир дурдонаси ҳисобланган ушбу санъат асарларида аждодларимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий аҳоли ва муносабатлари, никоҳ ва оила, урф-одат, маросимлар каби тарихий этнографик маълумотлар сақланиб келинмоқда. — Халқ оғзаки ижодини ўрганиш халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, аъёнлари, тарихи, бугуни, келажаги, ўй-кечинмалари ҳамда руҳиятини ўрганиш демакдир, дейди партия вилоят Кенгаши Ижроия

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Бошланғич партия ташкилотларини ҳақли равишда партиянинг таянч бўғини деб атаёмиз. Улар қанчалик фаол ва ташаббускор бўлса, партия гоёлари, дастурий мақсад ва вазифаларининг тарғиб қилиниши шунчалик самарали кечади. Қуйи бўғинлар воситасида партия гоё ва мақсадларини тарғиб қилиш, электоратни ўйлантириётган масалаларни ўрганиш, уларни ҳал қилишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари кўмакдан фойдаланиш сиёсий партия нуфузини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Боиси, бошланғич партия ташкилотлари партиянинг электорат билан доимий ишловчи, уларнинг ўй-фикрлари, қизиқиш ва манфаатларини яқиндан билиш имкониятига эга бўлин саналади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қуйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, етакчилар сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилган муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Ҳўш, бу эътиборга бошланғич партия ташкилотлари муносиб жавоб бера олаётими? ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, партия гоёларини аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб қилиш ва ўз саيفига аъзолар қабул қилиш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда? Қуйи бўғинлар томонидан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот ишларининг самарадорлиги талаб даражасидам?

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда партиянинг бошланғич ташкилотлари умумий сони 5148 тани ташкил қилмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар Қорақалпоғистон Республикасида 24 та, Навоий вилоятида 23 та, Самарқанд вилоятида 22 та янги бошланғич партия ташкилотлари ташкил қилиниб, бу борада бошқа ҳудудий партия ташкилотларига намуна бўлишди. Аммо шунини афсус билан таъкидлаш лозимки, партия Сурхондарё,

Қуйи бўғинлар ташаббуси

партия ташкилотларини фаолликка ундамоқда

Фаргона, Қашқадарё вилоятларида бу борада оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

Бугун ЎзМТДП бошланғич партия ташкилотлари томонидан миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш, ёшларни соғлом ва баркамол қилиш тарбиялаш, улар бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, оила қадриятларини мустақамлаш, тарихий қаддамга ва маҳаллаларда ободончилик ишларини олиб бориш борасида муайян ишлар олиб боришмоқда.

— Дарҳақиқат, партияимизнинг аҳолига энг яқин бўғини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари жамият ҳаётининг турли жабҳаларида рўй бераётган муҳим воқеалардан аҳолини хабардор қилиш, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, ЎзМТДП гоёларини кенг тарғиб қилишдаги фаолиятда жонлишини кузатиш мумкин, — дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси Бехзод Содиков. — Жорий йилги таҳлилларимиз шунини кўрсатадики, бошланғич партия ташкилотлари ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларга оид муҳим масалаларни ўрганиб, уларни ҳал қилишга эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мавжуд барча бошланғич партия ташкилотлари томонидан электорат манфаатларига қаратилган 1000 дан ортиқ масала кўриб чиқилган. Улар орасидан айнан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар валакатидан фойдаланилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий соҳага оид 123 та, ижтимоий-сиёсий соҳага оид 53 та, маданий-гуманитар соҳага оид 54 та масала ўрганилиб, ҳал этилди.

Қувонарлиси, партия гоёлари, дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган йирик ташаббуслар қуйи бўғиндан чиқмоқда. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим шарти ҳисобла-

ган "ташаббус қуйидан" деган ҳақли таъкиднинг партияимиз тизимидаги ёрқин ифодаси мана шунда намоеён бўлаётди. Хусусан, Вобкент туманидаги қуйи бўғин партия туман Кенгашига тарихий музей ташкил этиш ташаббусини олиб чиқиб, бу масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Айни пайтда қуйи бўғин ташаббуси билан туманда тарихий музей ташкил этилиб, уни турли тарихий экспонатлар билан тўлдириб ишлари давом этмоқда. Бу жараёнда туман ёшлари, партияимиз фаоллари ва қуйи бўғин етакчилари ташаббускорлик кўрсатишмоқда.

Шунингдек, Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги қуйи бўғин томонидан туманда миллий музей ташкил этиш тақлифи қўллаб-қувватланиб, мазкур ташаббус ҳам амалий ифодасини топди.

— Партияимиз фаоли Мавлудахон Маматжонова миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш ва оларни келажақ авлодга бекам кул етказиш мақсадида туманда музей музей ташкил этиш лозимлиги тақлифи билан партия Чортоқ туман Кенгашига мурожаат қилди, — дейди ЎзМТДП Чортоқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Диляфруз Ҳамроқўжаева. — Бир гуруҳ педагог ёшларни бирлаштирган қуйи бўғин ташаббуси билан ташкил этилган миллий музей партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ аъёнларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш каби вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда партияимиз фаоллари музей экспонатларини янада бойитиш ҳаракатидалар.

Бу каби ташаббусларни илгари сураётган, мазмун-моҳияти жиҳатдан мукаммал, фуқароларни жамиятга амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликларни жараёнида фаол иштирок этишга ундовчи, миллий қадрият ва аъёнларимизни улуғловчи, аҳоли-

Шоҳида МИРЗАЕВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Байрам шукухи



Истиқлол берган имкониятлар

юрт тараққётига хизмат қилмоқда

Ватанимиз шонли тарихидаги буюк ва ўчмас воқеа — мустақиллигимизнинг 23 йиллигини нишонламоқда. Мана шундай улуг кунларда ҳар биримиз ўтган давр мубайнида босиб ўтган сўлимизни, амалга оширган ишларимизни ҳолсизона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқларга қандай эришганимизни яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳам-жамияти томонидан жадал тараққий этаётган, иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларига эришган, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити тубдан яхшилانган, ҳаёт даражаси изчил юксалаётган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда. Мухтарам Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва бугун ўзининг ишончли, самарали йўл эканлигини исботлаган ривожланишнинг "Ўзбек модели" тамоийллари ҳамда "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

Бугунги кунда жами экспорт ҳажмининг 72 фоизидан ортиги хом ашё бўлмаган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ва товарларга тўри келмоқда. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг дунё бозоридидаги ўрни янада мустаҳкамланаётганидан далолатдир. Таркибий ўзгаришларни ялпи ички маҳсулот таркибидида қишлоқ хўжалиги улушининг камайиш тенденциясида ҳам қўришимиз мумкин. Агар 2000 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30,1 фоиз бўлган бўлса, бугун 16,8 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, ушбу соҳадаги ислохотлар ва ижобий ўзгаришлар, ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 2013 йилда 2000 йилга нисбатан 2,3 баробарга кўпайгани нафақат халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, балки уларни экспорт қилиш имкониятини яратмоқда. Бугун энг ривожланган мамлакатлар учун ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб бўлиб турганлигини инобатга олганда, бу соҳада эришяётган ютуқларимизнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Фуру ва ифтихор билан таъкидлаш жоизки, бугун Ўзбекистон глобал меҳнат тақсимида ўз ўрнини эгалламоқда, мамлакатимизда машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ҳамда нефть-кимёси, енгил ва озиқ-овқат, фармацевтика ва қурилиш материаллари ҳамда мебоҳасозлик сановати жадал суръатлар билан ривожланиб, иқтисодиётимизнинг локомотивига айланди. Махсулотларимизга дунё миқёсида харидорлар сони ортиб бормоқда. Айниқса, енгил автомобиллар, турли русумдаги автобуслар, юк ташиш машиналари жажон бозорларида ўз харидорларига эга бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг истеъмол товарлари бўлган ахтиёбларини қондириш борасида изчил ва босқичма-босқич сиёсат олиб борилиб, импорт ўрнини босувчи ва экспорт бўлган сифатли, арзон ва харидорнинг маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада импорт ҳажми камайиб, рақобатдош истеъмол бозори ривожланмоқда, 2013 йилда импорт ўрнини босиб бўйича яқуний самара 5 миллиард 300 миллион АКШ долларини ташкил этди.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалалари ҳам давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг доимий диққат эътиборида эканлиги боис таълим, тиббиёт, спорт-соғломлаштириш, маданият ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришилмоқда. Айниқса, шахар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, кўркамлаштириш, замонавий бинолар, уй-жойларни барпо қилиш бўйича кенг қўламдаги сый-ҳаракатлар амалга ошириляпти.

Халқимиз даромадларининг ортини билан бир қаторда уларнинг яшаш шароити, жумладан, замонавий уй-жойлар ва сифатли истеъмол товарлари билан

таъминланиши, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим олиш, юқори малакали тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиш каби ҳаёт даражасини белгилайдиган кўрсаткичлар бўйича ҳам юқори поғонага кўтарилишни барчамизга фуру ва ифтихор бағишляпти.

Иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш, халқимизнинг осойишта ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, айниқса, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон "Миллий тиклишни" демократик партияси ўз олдида қўйган мақсадларга эришиш йўлида олиб бораётган сый-ҳаракатлари билан ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга интиломоқда. Хусусан, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида қабул қилинаётган қонунларни тақомиллаштиришда фракциямиз аъзоларининг фаол иштироки уларнинг янада мукамаллашувиغا хизмат қилмоқда. Халқимизнинг миллий ўзига хослиги ва аъналарини инобатга олган ҳолда қабул қилинаётган қонунлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлиги электратимиз бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, хунармандлар, оилавий тадбиркорлар ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб боруётганларга янада қўлай инвестициявий муҳит ва иқтисодий шароитлар яратилишига замин бўлмоқда.

ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ички бозорларимизни ҳимоси қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш, шунингдек, ички бозорни сифатли, арзон ва харидорнинг маҳсулотлар билан тўлдириб, аҳоли бандлигини таъминлаш, энг асосийси, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга кўмаклашиш каби вазифалар мамлакатимизда мазкур йўналишда амалга ошириляётган чора-тадбирларга ҳаммагондир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, партия ташкилотлари, қуйи бўғинлар томонидан мустақиллик йилларида қандай оғир ва машақатли синовлардан ўтиб, мисли қўрилмаган ютуқларга эришилганлиги, унинг замирида танлаган йўлимизнинг тўғри ва ишончли эканлиги, халқимизнинг фидойи меҳнати ва матонати ҳамда келажакка бўлган чексиз ишончи турганлиги электрат ва аҳоли орасида кенг тарғиб этилиши лозим. Буни партиямиз фаоллари, барча даражадаги депутатлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Мухтасар айтганда, улкан ютуқларга, аввало, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, барча соҳаларда изчил ислохотларни амалга ошириш орқали эришяётганлигимизни фахр билан эътироф этган ҳолда, бу юксак натижаларга ўз-ўзидан, осонгина эришилмаганлигини ёддан чиқармаслигимиз бугунги кунда ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Абдурашид ТҲАТБОЕВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Жараён

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида юртдошларимизнинг қалбидида сўзларни ифода этди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бугун халқимиз "Биз кеча ким эдинг бугун ким бўлдик?" деган гуру билан яшамоқда.

Дарҳақиқат, маънавий бойлиги ва миллий қадриятлари таҳқирланган, моддий бойлигига эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган кенчаги халқ бугун мустақиллик шарофати билан озод ва обод Ватанда яшаш, ҳаётини ўзи қуриш, моддий-маънавий бойликларига, фарзандларини баркамол этиб тарбиялаш имкониятига эга бўлган бахтли халққа айланди.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида ёшларимизнинг билим ва иқтидорини, уларнинг касб-хунар эгаллашга бўлган интилишларини юксак баҳолади. Мамлакатимизнинг шухратини дунёга ёйишда барчага намуна бўлаётганини эътироф этиб, уларнинг бугунги ва эртанги кун янада ёруғ бўлишини таъминлашда барча сый-ҳаракатлар амалга оширилишини алоҳида таъкидладилар. Ҳақиқатдан ҳам бугун қўллаб-қувватланган Ўзбекистон деган мамлакатни, унинг буюк халқини ўзларининг билими ва иқтидори, маҳорати билан дунёга танитмоқда. Ёшларимизнинг фирм-мулоҳазаларидаги зуққолик, қалб-юрагидаги шижоат, бугунги ва эртанги кунларнинг буюклигига бўлган ўзларидидаги ишонч ҳаммаимизни қувонтирмоқда ва гурурга тўлдирмоқда. Бунинг замирида мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим соҳасини ислоҳ қилишга давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳамда умуммиллий иш сифатида аҳамият берилиб, дунёда мўҳобили бўлмаган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганлиги ва унинг бекаму-кўст ҳаётига таъбиқ этилганлиги ётади.

Кечагидек ёдимизда, шўролар даврида миллий таълим-тарбия "қалокат-фалокат" ёқасига келиб қолган, Ватан, миллат тушунчалари унутилган, таълимнинг моддий асоси ҳам, мафзуни ҳам мустақил тузум мазкуриси исканжасида қолган эди. Мавжуд умум-

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

ёш авлодни ватанпарварлик, ўзликни англаш руҳида тарбияламоқда

таълим мактабларининг деярли ярами мослаштирилган биноларда фаолият юритар, синф-хоналар етишмаслигидан дарслар икки-уч сменада ташкил этиларди. Синфда доскалар, ўқув қуроллари етишмас, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари тўғрисида гапириб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ эди. Ўқув адабиётлари, дарсликлар эса совет мустақил тузум мафқураси ва гоёси билан суғорилган, яъни тарихий ҳақиқат очилмаган, ёлгон, таги пуч фикрлар билан ифода этилган эди. Шу боис ўзимизга хос ва ўзимизга мос демократик жамият қуриш учун бундай мафқурадан бутунлай воз кечишимиз, миллий мафқура ва гоёга асосланган таълим тизимини яратиш вазифаси турар эди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси ҳамда раҳнамолигида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишдек гоёт муҳим ва мураккаб ишга киришилди. Аввало, бу борадаги ишларни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги усулини барпо этиш, келажақ учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашга қаратилган қонунчилик мустаҳкамланди. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниб, уллар асосида қонунности ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб миллий таълим тизимини ифода этган ва таълимнинг ўзбек моделига хос Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Жаҳонда "ноёб тизим" дея эътироф этилган 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий махбурий бепул таълим тизими яратилди. Умуммиллий иш сифатида аҳамият берилган қуришда, капитал таъмирланди, янги, замонавий технологиялар билан жиҳозланди.

Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши учун барча шароитлар яратилди. Бугун фарзандларимиз нафақат юксак маънавиятни, интеллектуал салоҳиятни, ўз касбининг мутахассиси, шу билан бирга, глобаллашув даврининг, ахборот асрининг мураккаб та-

лабларига, айрим бузғунчи гоёларга, ёт оқимларга ўзларининг билим ва иқтидори билан муносиб жавоб бера оладиган авлод бўлиб шаклланимоқда.

Бу ўринда "Билимлар кунини" да ўтказилган "Мустақиллик дарслари"нинг аҳамиятига алоҳида тўхталиш жоиз. "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остида ўтказилган мазкур дарслар истиқлол йилларида халқимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳамда Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти" мавзуда бўлиб ўтган халқаро конференцияда сўзлаган маърузаси мазмун-моҳиятига бағишланган ёш авлоднинг юртимиз, аждодларимиз ҳақидаги тасаввурларини янада бойитишга хизмат қилди. Замонавий ахборот технологиялари, кўргазмали қуроллар воситасида таъсирчан тарзда ўтказилган "Мустақиллик дарслари"да ўқувчи-талабаларга мамлакатимизда олиб бориляётган кенг қўламли ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумотлар берилди. Биз, Ўзбекистон Миллий тиклиниш демократик партиясида сайланган Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ҳам таълим муассасаларида бўлиб ўтган Мустақиллик дарсларида қатнашиб, ўз фикрларини эмин-эркин билдирган ҳамда ишонч билан ўтирган ёшларимизни қўриб, улар бугунимиз ва келажақимизнинг ишончи ва таянчи бўлиб етишиларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, мустақиллик даврида миллий маънавиятимиз булоғи қайта кўз очди, халқимиз миллий ўзликни қайтди. Давлат раҳбарининг оқилона сиёсати шарофати билан халқимизга меъморий ёдгорликлар қайтарилди. Хива, Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар ҳамда қишлоқлардаги меъморий ҳажмлар, қадимий ансамбллар, муқаддас қадимжолар, азиз авлиёлар зиёратгоҳлари қайтадан бунёд этилди, атрофлари ободонлаштирилди.

Истиқлол йилларида Она Ватанимизнинг бетакрор гўзаллиги ва бойлигини ўз асарларида таран-

нум этган, жаҳон цивилизациясига ўзининг маърифий-маънавий ишлари, кашфиётларию ихтиролари билан улкан ҳисса қўшган ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Фихривоний, Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк аждодларимизнинг номлари тикланиб, уларнинг таваллуд айёмлари юбилейлари кенг нишонланди. Ўз навбатида, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон каби қўхна ва ҳамшиша навқирон шаҳарларимиз юбилейлари халқаро миқёсда қутиб олинди. "Авесто", "Алпомиш", Маъмон Академияси билан боғлиқ улуг саналар муносиб тантана қилинди. Шуларнинг ўзидек бой маънавий-маданий меросимиз, тарихимиз теран ўрганиляётгани, таъдиқ этиляётганидан аққол далолат эмасми?

Ана шундай аниқ далилларга асосланган "Мустақиллик дарслари" юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, буюк алломалар, мутафаккирлар Ватани эканини ёшлар онига қуқурок сингдиришга хизмат қилгани билан эътиборга молик.

Ўсиб келаётган авлодларнинг мана шундай ватанпарварлик, ўзликни англаш руҳида тарбияланаётгани бугун уларнинг фан чўққиларини эгаллаб, жаҳон олимпикаларида дунёдаги манаман деган давлатлар ёшлари билан билимда, илмда, спорт майдонларида беллашиб голиб келаётганлиги ҳар бир юртдошимиз қалбини гурурга тўлдирмоқда. Бу, албатта, мустақиллик шарофати билан таълимга ва болалар спортига қаратилган эътибор самарасидир. Бундай замонларни ота-боболаримиз орзу қилган эди, не бахтки, шу кунларни қўриш бизларга насиб этди. Келгуси авлодларни эса янада дорилмомон замонлар қутурмоқда. Чунки, бугун янада фаровон ҳаёт кечиришимиз учун мухтакам замон ҳозирланмоқда.

Абдуғафур МАМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Депутатлик сўвралари

Электрот манфаатларини таъминлаш

ишонч қозонишнинг муҳим омилдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Партия ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлашда маҳаллий кенгаш депутатлари муҳим ўрин тутаяди. Чунки улар халқнинг ишонган вақили сифатида сайловчилар билан бирга, ҳаммада, ҳамнафас бўлиб, уларни уйлантираётган масалалар, ҳудудлардаги муаммолардан яхши хабардор. Шундай экан, депутатлар электрот манфаатларини ифода этувчи ушбу масалаларни ҳал этишда қандай йўл тутишмоқда? Аҳоли муружатлари асосида уларнинг турли ташкилотларга киритган депутатлик сўвралари қай тарзда яқун топаёпти? Бу саволларга халқ депутатлари Навоий вилояти, туман ва шахар ва Кенгашларида ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар фаолияти мисолида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлиги кун сайин юксалиб бормоқда. Буни депутатларга юборилган муружатларнинг мазмун-моҳияти ҳам аққол кўрсатиб турибди. Ана шундай муружатлар асосида маҳаллий ҳокимият ва мутасадди ташкилот раҳбарларига депутатлар томонидан киритилган сўвраларнинг ижобий ҳал этилиши эса партиянинг жамиятда обрў-эътибор қозониши ҳамда фуқароларнинг ўзи сайлава депутатга нисбатан ҳурмати ва ишончи ошишига сабаб бўляпти.

Келинг, фикримизни мисоллар асосида изоҳласак. Жорий йилнинг январь ойида Қизилтепа туманидаги фермер хўжалиги раҳбарлари халқ депутатлари туман Кенгашида ЎЗМТДП гуруҳига муружат қилишган. Унда Зарафшон дарёси бўйида жойлашган фермер хўжалиқларига қарашли шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолати талаб даражасида эмаслиги, бундай ҳолат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан юқори ҳосил олишда қийинчилик туғдираётгани баён этилган. Ушбу муружатга юзасидан партия гуруҳи томонидан Қизилтепа туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Х.Фармоновга депутатлик сўрови киритилди. Натижада "Тошрабат Ўрта чўл" ирригация тизими ва 5-сон қўчма механизациялашган колоннаси

мутасаддилари томонидан ҳудудда 700 метрли янги зовур қазиб ишлари амалга оширилди, масала ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, май ойида аҳоли муружатларига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Қ.Турсунов "Нурота туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастури"га қўшимча "Мохи — Азимжон" оилавий корхонаси томонидан 0,4 гектар майдонга иссиқхона ташкил этиш лойиҳасини киритиш бўйича вилоят ҳокимлигига депутатлик сўрови юборган. Айни пайтда сўров вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, масалани ижобий ҳал этиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Шунингдек, депутатнинг ҳудуддаги Қўшқудўк ва Деҳибанд қишлоқлари аҳолисининг муружатларига асосан бу масалаларга сув қувурлари тортиш орқали аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш бўйича вилоят ҳокимлигига юборган депутатлик сўрови ҳам ўрганиб чиқилиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилиши қўзда тутилганлиги ҳар икки қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлиги янада яхшиланишига хизмат қилади.

Фуқаролар ўз ҳуқуқларидан келиб чиқиб, турли масалаларда партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларига муружат қилишмоқда. Улар томонидан кўтариляётган масалалар депутатларнинг ўз вақолати ва масъулиятини янада чуқурроқ хис этишга ундамоқда. Хусусан, жорий йилнинг апрель ойида Қизилтепа туманидаги Оқ-олтин қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолининг муружаати асосида ҳудудда новвойхона очилиш ва газ таъминотини яхшилаш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Н.Барноев туман ҳокимига депутатлик сўрови юборган эди. Айни пайтда сўров ижобий ҳал этилиб, аҳолининг муружаати тўлиқ қондирилди.

Маълумки, ЎЗМТДП сайловолди Платформасида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётида муносиб ўрин эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсад-вазифаларни амалга оширишда партия гуруҳи


аъзоси Г.Ўроқовнинг депутатлик сўрови муҳим аҳамият касб этди. Унинг ҳудуд аҳолиси муружаатига асосан, касб-хунар коллежи битирувчиларига имтиёзли кредит ажратиш ва қишлоқ жойларда касаначиликни ривожлантириш бўйича Қизилтепа туман ҳокимлиги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини муҳофаза қилиш марказига депутатлик сўрови юбориши натижасида 4 нафар коллеж битирувчиси имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

Халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат А.Бомуродова томонидан Навбахор тумани ҳокимига юборилган Янгийўл қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги мактабга таълим муассасаси иш фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги депутатлик сўрови ҳам мазкур масаланинг ижобий ечим топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар муружатлари ва уллар асосида мутасадди ташкилот ва корхоналар раҳбарларига юборилган депутатлик сўвралари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Муҳими, депутатлик сўвралари эътибордан четда эмас. Депутатнинг ўз вақолатидан тўғри ва умумли фойдалана билиши эса электрот манфаати ва юрт тараққётига хизмат қилади.

Мухтасар фикрлайдиган бўлсак, истиқлол берган имкониятлар боис юртимиз кун сайин чирой очмоқда. Фаровонлик, тинчлик ҳукмрон бўлган дёғиримизнинг ҳар бир тонги мунаввар, фараҳбахш. Бугунги давр одамларининг дунёқарашини, тафаккури ўзгача. Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, шунингдек, депутатнинг фаолиятини, унинг вақолатини теран англаб етмоқда. Сиёсий партиялар ҳамда депутатлар зиммасига катта масъулият юклянаётган ҳозирга пайтда партия гуруҳлари фаол, ташаббускор ва жонқур бўлиши шарт. Зеро, эртанги сайловчи ўз манфаатларини тўлиқ ҳимоя қила оладиган, билими, салоҳияти ва халқ учун жон қуйдирадиган номзодни танлаши шубҳасиз.

Ўралой ТУРДИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири



ХОРАЗМ: туризм янада равнақ топмоқда

Серкўёш ўлкасидаги ўтмиши ва бугунги кундаги замонавий салоҳияти дунё аҳлини ҳайратга солмоқда. Тамаддун юртимиз XXI асрда ҳам илм-фан, маданият ва спортда улкан ютуқларни қўла қирғатгани барчамизга аён ҳақиқат. Бу табаррук заминда асрлар давомида порлаб турган маърифат кўёши ҳеч қачон сўнган эмас.

Неча минг йиллар ўтса ҳамки, ҳамон тупроққа қўшилиб кетмаган қалъалар, шаклан глобуснинг ярмини эслатувчи, она сайёра-миз каби кўёшдан яшиллик даъво қилаётган фируза гўмбазлар, шу замин инсонлари дунёқарабини акс эттирган бетакрор ганч ва ёғоч ўймакорлиги, қандакорлик, қуллоқчилик каби амалий санъат намуналари, "Алпомиш", "Ойсулув" сингари мардликни мадҳ этган достонлари, ажабтовури минг бир синаёт аширин афсона ва ривоятлари, гиря, чоргоҳ каби улғуров навалари айнан шу юрт, кўҳна замин бағрида дунё юзини кўрган.

Бугунги кунда қўлаб ривожланган мамлакатлар иқтисодий-тифта туризм катта ўрин тутиши сир эмас. Туристик фирма, авиакомпания, меҳмонхона, музей ва рестороанлар сайёҳлик раванкидан катта даромад кўради. Агар бу соҳаларда юз минглаб киши иш билан банд бўлишини инобатга оласак, туризм мамлакат хазинасини бойитиш билан бирга қўлаб ижтимоий масалалар ечимининг калити бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризмин ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори воҳанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу қарор ижроси юзасидан қабул қилинган дастур бўйича вилоятда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Сайёҳликни жаҳон талаблари даражасига тўлиқ олиб чиқишнинг таъминлай оладиган мазкур чора-тадбирлар халқро туризм бозорига мамлакат салоҳиятини намойиш этишдан тайёрлашга бўлган кенг қўламли вазифаларни қамраб олган.

Агар дастур қабул қилинганга қадар вилоятда жами 1550 ўринли 27 та меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, 2015 йилда уларнинг сони 57 тага, улардаги ўрин-

лар сони қарийб 2700 тага етказилиши кўзда тутилган. Бунёд этилган меҳмонхоналарнинг 5 таси бугунги кунда меҳмонларни қабул қилишга тайёр. Шунингдек, Хива тумани марказида қад ростилаётган Ўзбекистон Қасаба уюшмаларининг 32, "Шахризода" меҳмонхонасининг 65, "Бектур" МЧЖнинг 65 ўринли меҳмонхоналарининг ҳар бирида 200 миллион сўмликдан ортққ қурилиш ишлари амалга оширилди.

Меҳмонларни Хоразм воҳаси билан янада яқинроқ таништириш мақсадида бир неча янги сайёҳлик йўналишлари очилиши ҳам кўзда тутилган. Агарда Хива туманидаги "Боғишамол", "Эшонрабоб", Богот туманидаги "Қалажон" туристик мажмуалари меҳмонларни қабул қилишга тўлиқ тайёр бўлса, "Хива Қорақўл" ва "Улли ховли" масканларида бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етиш арафасида.

Халқимизнинг театр, кино санъати, фольклори билан сайёҳларни таништириш мақсадида "Оғажий" номли вилоят драма театри, "Достон фольклор", "Хива фольклор" ва "Сайқал" ансамбллари ўз дастурларини тақдим этмоқда. Ичанқалъадаги "Кўҳна арк" ёзги кинотеатрида ўзбек кино санъатининг дурдоналари хисобланган "Тоҳир" ва "Фурқат", "Наврiddиннинг саргузаштлари", "Алишер Навоий", "Ўтган кунлар" каби миллий фильмларимиз инглиз тилидаги субтитрларда намойиш қилина бошланди.

Воҳанинг туристик имкониятларини реклама қилиш мақсадида вилоят бренди остида жаҳон туристик бозорининг "TOP REZA-2013" (Франция), "ITB-2014" (Германия) ҳамда "19-Тошкент халқро туристик ярмаркаси"да вилоятдаги турфирмалар фаол иштирок этиб келаётди. Шунингдек, бу борадаги ишлар доира-

сида хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари ва хорижий тур операторларига "Мегаинфо-тур"лар ташкил этилди. Уларда 18 та мамлакатдан 35 нафар хорижий журналист ва 203 нафар чет эл туристик ташкилот вакиллари иштирок этди.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси қўшиқдаги ўқув илмий иш-лаб чиқариш марказининг вилоят филиали ташкил этилганлиги соҳа мутахассислари малакасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда 20 нафар ёш йигит-қиз ҳамроҳ таржимонлик сертификатига эга бўлди. Халқро туристик хизмат кўрсатиш тажрибасини ўрганиш мақсадида вилоятдан Латвия, Хитой Халқ Республикаси ва Жанубий Кореяга жами 6 нафар мутахассис хизмат сафарига юборилди.

Хоразм вилоятида туризмин ривожлантириш дастурида кўзда тутилган вазифалар қамрови шунчалар кўпки, улар хусусида бир мақола доирасида тўхталишни таништириш мақсадида "Оғажий" номли вилоят драма театри, "Достон фольклор", "Хива фольклор" ва "Сайқал" ансамбллари ўз дастурларини тақдим этмоқда. Ичанқалъадаги "Кўҳна арк" ёзги кинотеатрида ўзбек кино санъатининг дурдоналари хисобланган "Тоҳир" ва "Фурқат", "Наврiddиннинг саргузаштлари", "Алишер Навоий", "Ўтган кунлар" каби миллий фильмларимиз инглиз тилидаги субтитрларда намойиш қилина бошланди.

Воҳанинг туристик имкониятларини реклама қилиш мақсадида вилоят бренди остида жаҳон туристик бозорининг "TOP REZA-2013" (Франция), "ITB-2014" (Германия) ҳамда "19-Тошкент халқро туристик ярмаркаси"да вилоятдаги турфирмалар фаол иштирок этиб келаётди. Шунингдек, бу борадаги ишлар доира-

Одилбек РАҲИМОВ, "Ўзбектуризм" миллий компанияси Хоразм вилояти минтақавий бўлими раҳбари:

— Қадимда Хоразм воҳасининг Шарқдаги йирик маданий марказлардан бири бўлганлиги бу ерда туризмин ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Бугунги кунда вилоятимизда 255 та маданий мерос объекти мавжуд. Шулardan 18 таси археология, 133 таси архитектура, 66 таси ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 32 таси муқаддас қадамжолар ва 6 таси диққатга солов жойлардир. Ушбу обидалар кўп асрлик тарихимиз ва бугунги кундаги фаровон турмушимиз тўғрисида сайёҳларда ёрқин таассуротлар уйғотади.

Консесса МАРТИНЕС, сайёҳ (Испания):

— Музей шаҳар — Хива менда катта таассурот қолдирди. Бу шаҳарда ўзимни ўтмишнинг сеҳри оламига тушиб қолгандек ҳис этдим. Қадимий биноларда олис замонлар нафасини яқол сезиш мумкин. Ўзбек халқининг бағрикенг ва ҳушмуомалалиги ҳам менга жуда ёқди.

Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" мухбири

Музейлар ҳафталиги

Ўзбегим дўппилари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳар йили 2-8 сентябрь кунлари мамлакатимизда музейлар ҳафталиги ўтказилади. Бу йилги ҳафталикнинг илк лойиҳаси сифатида Ўзбекистон амалий санъат музейида мустақилликнинг 23 йиллигига бағишланган "Ўзбегим дўппилари" номли кўргазма очилди. Унинг очилиш маросимида санъаткорлар, мусаввирлар, уста-хунармандлар, ёшлар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, чет эллик меҳмонлар иштирок этди.

Кўргазмага хунарманд Исмаил Юсуповнинг шахсий коллекциясидан ўрин олган 140 тага яқин Тошкент, Фарғона, Шахрисабз, Қўқон, Андижон, Бухоро, Бойсун, шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларига оид дўппилар намойишга қўйилди. Дўппилар нақш услуб-ли, бадий рамзлари уйғунлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг тайёрлашда жойининг табиий шароити, атраф-муҳит, аҳолининг турмуш тарзи, маҳаллий анъаналар, тарихи, маданий ривожланиш даражаси, урф-одатлари таъсир кўрсатган.

Маълумки, Сурхондарё ва Қашқадарёда (айниқса Бойсунда) дўппилар думалоқ, қуббасимон қўрилган иппидадир. Бухорода эса кўпроқ зар ип-лардан фойдаланилган. Дўппилар тиклган жойига қараб, баъзан "Кўқон дўппи", "Чуст дўппи", "Шахрихон дўппи", "Марғилон дўппи", "Шахрисабз (гилам) дўппи" каби турларга ажратилган.

Юртимизда дўппи қадимдан қадрланган. Амалий санъатнинг кенг тарқалган тури бўлган ўзбек дўппилари аёллар, эркаклар, болалар миллий либосининг ажралмас бир бўлагини ташкил қилган. Экспозициядан жой олган гўдақлар ва ёш болалар учун тиклган қатор дўппилар киши диққатини ўзига тортади. Шуни айтиш керакки, моҳирлик билан қўлда тиклган дўппилар нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам кенг тарқалган. Кўргазма доирасида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчиларининг мусиқий чиқишлари ва анъанавий ўзбек миллий рақс ижрочилигига хос бўлган "Шўх қиз" доира рақси кўргазмага таширф буюрган юртдошларимиз ва айниқса, хориқлик меҳмонларга завқу шавқ улашди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Боқий мерос

Жиззах алломалари тазкираси

Муслим Атаевнинг «Жиззах алломалари» ва «Имом Уструшаний» китобларини ўқиганда туғилган мулоҳазалар

Истиқлол йилларида халқимизнинг ноёб ва бой илмий ҳафда маънавий меросини қайта тиклаш — мамлакатимизда миллий демократик давлатчилик асосларини барпо этишнинг мустақил йўналишига айланди. Дунё тамаддуни ва ислом маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган юзлаб унутилган аждодларимизнинг номлари ва хотирасини тиклаш, бу улғу зотлар фаолияти билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни, уларнинг маънавий-маърифий ва илмий-тарихий меросини бугунги авлодларга етказиб бериш миллий юксалиш жараёнининг муҳим хусусиятига айланди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улғу зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебаҳо бойлиқни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт».

Мовароуннаҳр дунё тамаддуни, хусусан, ислом маданиятининг машҳур марказларидан бири саналади. Бу ҳудуддаги Бухоро ва Самарқанд, Термиз ва Хива, Кеш ва Насаф, Фарғона ва Шош каби қадимий шаҳарлар номи ўрта асрлардаёқ бутун жаҳонга ёйилган эди. Минтақамиз дунёга танилган буюк олимлар ва табиблар, шоирлар ва муҳаддислар, фақиҳ-шайхлар ва фикшунос олимларни воёга етказган замин сифатида бутун жаҳон аҳли томонидан эътироф этилади.

Бу беҳиж эмас. Зотан, иқтидорли олим Муслим Атаев таъкид қилганидек: «VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3 мингдан зиёд кўнрақ кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритган. Уларнинг мингдан ортиги Самарқандда, 600 дан кўпроғи Бухорода яшаган бўлса, яна 400 дан ортигининг ҳаёти ва фаолияти Насаф шаҳри билан боғлиқдир. Қолган минг нафар муҳаддисдан 70 дан зиёди Шошда, 60 дан ортиги Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан кўпроғи Термизда, 40 дан зиёди Хоразмда, Дабусия, Кушония ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият кўрсатган».

Бироқ бу ҳудудда номи ва шўхуки кўпчиликка умуман номаълум бошқа йирик маданий ўқоқлари ва илм масканлари ҳам мавжуд бўлган. Булардан бири — бугунги Жиззах воҳаси ҳудудида жойлашган қадимий Уструшана минтақаси бўлиб, мазкур ҳудуд ўз даврида Шарқ оламида кенг ном қозонган.

Уструшана X-XIX асрлар давомида юзлаб шоирлар, дин ва маърифат пешволари, олимлар, маърифатпарвар уламоларни етиштириб берган макон саналади. Аммо, афсуски, Жиззах заминининг шундай табаррук масканлардан бири бўлганидан кўпчилик юртдошларимиз то хануз беҳабардирлар.

Ҳолбуки, Жиззах воҳаси бундан қарийб юз минг йил олдинги тарихий манбаларда ҳам эътироф этилган. Уша олис замонларда бу ҳудуд гоҳо Сугдиёна, гоҳо «Сугдорти сақлар қабилиси» таркибига кирган бўлса, илк ва ўрта асрларда Уструшана сифатида мавжуд бўлган. Ушбу ҳудуднинг катта қисми чўл бўлса-да, рабоблар, карвонсаройлар, тоғоли ҳудудларида эса қалъа-қўрғонлар, шаҳар ва қишлоқлар қад ростилаган. У қадимда Фарб ва Шарқни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўли бўлиб жойлашган бўлиб, юртимизда илм-фан ривожини ва маданият юксалишига ўзига хос замин яратган.

Бу ўлка ҳақидаги маълумотларни ўрта аср географларидан Ибн Хавқал, ал-Истаҳрий, ал-Мақдсий, Ибн Хурдазбих, Ибн ал-Фақих каби олимларнинг асарларида учратиш мумкин. Шунингдек, "Бейши" ва "Суйши" каби Хитой йилномаларида Уструшана хусусида баъзи маълумотлар қайд этилган. Уструшана ҳудудида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар Бунжикат, Зомин, Дизак, Арсияникат, Куркат, Фазак, Фақат, Собот, Шибла, Нужат, Харкона деган номлар билан аталган.

Ўрта асрларда гуллаб-яшнаган Уструшанадаги энг катта тарихий шаҳарлардан бири Зоминга доир маълумотлар ўрта аср араб манбаларида атрафлича ёритилган. Зомин қадимда "Сарасанда", "Сусанда", "Сабза" номлари билан ҳам аталган. Зоминдан Муҳаммад ибн Асад аз-Зоминий, Исрофил аз-Зоҳид аз-Зоминий, Илёс ибн Холид аз-Зоминий каби ислом маърифати, ҳадис ва фикҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшган ўнлаб буюк алломалар етишиб чиқиб, ўзларига аз-Зоминий ёки аз-Зоминий нисбаларини олганлар.

Жиззах ҳудудида қўлаб машҳур шоир ва адиблар, шунингдек, етмишдан ортққ муҳаддис ва ўттиздан зиёд фақиҳ олимлар фаолият олиб борган. Бироқ улардан

кўпчилигининг на ҳаёти, на илмий мероси бугунги кунга қадар ўрганилмаган.

Масалан, шоирлардан: Абу Бакр Дулаф ибн Жаҳдар аш-Шиблий, Муҳаммад ибн Хусайн аш-Шиблий, Усмон ибн Али аш-Шиблий, Абдулқарим Маҳмур Коризий, Убайдулла Аламқаш, шоира Муаззамхон, муҳаддислардан: Тобиб ибн Али аш-Шийрақасий, Абу Қасир Сайф ибн Зоҳид аз-Зоминий, Аҳмад ибн Муҳаммад аз-Зоминий, Райхон ибн Муҳаммад ал-Уструшаний, Абдулвоҳид ибн Абдурахмон аш-Шовқатий, Али ибн Аби Иброҳим ал-Уструшаний, Жаҳоҳир ибн Али аз-Зоминий, Али ибн Аби Саҳл аз-Зоминий, фикшунослардан: Муҳаммад ибн Хасан ибн Муҳсин ал-Уструшаний, Абу Аҳмад Зоҳид ал-Ховосий, Исмоил ибн Абдурахмон ас-Санжафиний кабиларни қайд этиш мумкин.

Уструшанадан етишиб чиққан энг улғу алломалардан бири бу — Абул-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Хусайн ибн Аҳмад Уструшанийдир. Бу фикшунос олимнинг дунё тамаддунидаги ўрни гоётда бетакрор. Чунки у инсоният тарихида бола ҳуқуқларига оид махсус яратилган дастлабки ва ягона илмий-ҳуқуқий асар — «Жомий аҳком ас-сиғор»нинг муаллифи — саналади. Европалик олимлар мазкур китобни «болалар ҳуқуқлари оид инсоният тарихидаги ягона конституция» деб атайдилар.

Олимнинг «Китаб ал-фусул», «Қуррат ал-айнайн фи ислах ад-дорайн», «ал-Фатова», «ал-Қуруд ва-д-дуйун» ва «ал-Асфия ва-л-ажвиба» каби бошқа асарлари ҳам ўз даврида жуда катта шўҳрат қозонган. Аммо, маъна шу жуда бой, ноёб ва нодир илмий-маърифий, маданий ва маънавий мерос шу пайтгача ўрганилмай келинган эди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ёш иқтидорли олим Муслим Атаев ўз илмий эланишлари билан ушбу бўлиқни тўлдиршига салмоқли ҳисса қўшди. Бинобарин, юқорида таъкидланган юздан ортққ ҳиз-зақли уламоларнинг илмий мероси, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, асарларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳолда, бугунги авлодларга етказиб бериш, давлатимиз раҳбари ибораси билан айтганда «ҳам қарз, ҳам фарздир».

Шу маънода, Муслим Атаевнинг «Жиззах алломалари» (Тошкент, «ADIB», 2014) ва «Имом Уструшаний» (Тошкент, «Тошкент ислом университети», 2014) китоблари ниҳоятда муҳим амалий аҳамият касб этди. Муаллиф «Жиззах воҳаси уламоларининг ислом маданияти тараққиётида тутган ўрни» илмий йўналиши доирасида X-XIX асрларга мансуб юздан ортққ олим, ҳадисшунос ва фикшуносларнинг илмий меросини ўрганиш ҳамда уларнинг маънавий-маърифий мероси билан бугунги авлодларни таништиришга муваффақ бўлган.

Бу эзгу фаолият эса, ўз ўрнида, кенг аҳоли қатламлари, хусусан, ўсиб келаётган ёшларимиз онгу шуурида ўз Ватани, она юрти тарихидан, аждодларининг шонли ўтмишидан гурулланган ва фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш учун хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «тарихий хотирасиз — келажак йўқ».

М.Атаевнинг мавзуга оид адабиётларни чуқур ва атрафлича таҳлил қилгани эътиборни тортади. «Жиззах алломалари» китобида ёзма манбалар ва археологик тадқиқотларга асосланган ҳолда ўрта асрларда Уструшана минтақаси таркибида бўлган 3 та катта шаҳар, 4 та шаҳарча, 22 та қишлоқ ҳақида қисқача таъриф берилган.

Бугунги кунгача номлари ҳам номаълум бўлган 100 дан ортққ уструшанилик олим, шоир, муҳаддис ва фикшуносларга доир бой ва қизиқarli маълумотлар тақдим этилган. Энг муҳими, тадқиқотчининг ушбу китоби билан уструшанилик уламолар, шоирлар, адиб ва илмпеша инсонлар ҳаёти, уларнинг мероси, илмий ва бадий ижодига бағишланган биринчи асардир.

М.Атаевнинг илмий-тадқиқий изланишлари моҳиятида бир қатор муҳим илмий-назарий ҳулосалар ўз муқассамини топгани, айниқса, диққатга лойиқдир.

Биринчи ҳулоса. Уструшана тарихида Мовароуннаҳрдаги йирик маданий марказларидан бири сифатида ном қолдирган. Бу ерда адабиёт, тасавуф фанлари билан бир қаторда ҳадис, тафсир ва фикҳ илмлари кенг ривожланган.

Иккинчи ҳулоса. Ўрта аср араб манба-

лари асосида Уструшана — Истаравшан шаҳри эмаслиги, балки Уструшана Самарқанднинг олди ва Сайхун дарёсининг қуйи қисмидаги катта бир вилоят экани аниқланган. Уструшана минтақасининг ҳозирги жойлашган ҳудуди Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳудудини ўз ичига олган.

Учинчи ҳулоса. Айрим олимлар (хусусан, тожикистонлик тадқиқотчиларнинг) Бунжикатни — Панжикет ёки Шаҳристон деб аташлари тўғри эмас. Тарихий манбалар ва илмий далиллар "Бунжикат" Уструшана минтақасининг пойтахти, йирик хунармандчилик ва савдо маркази бўлганини тасдиқлайди. Бунжикат шаҳрининг ҳозирги даврдаги ўрни Жиззах вилоятининг Баҳмал тумани деб белгиланган.

Тўртинчи ҳулоса. Уструшанада таваллуд тоилган ва Мовароуннаҳрнинг илмий марказлари ҳамда Шарқ мамлакатларида яшаб ижод қилган 8 нафар шоир тўғрисида маълумотлар баён этилган ҳамда уларнинг бадий ижодидан намуналар келтирилган.

Бешинчи ҳулоса. XIX аср ва XX аср бошларида Жиззах воҳасида яна 20 дан ортққ шоир ва бахшилар яшаб ўтгани ва фаолият кўрсатгани, аммо улар ижодидан халқимиз хали тўлиқ баҳраманд эмаслиги аниқланган.

Олтинчи ҳулоса. Уструшанада туғилиб, шу ҳудудда ҳамда ўша давр илмий-маданий марказлари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро ва Бағдод каби шаҳарларда фаолият кўрсатган 73 нафар муҳаддис аниқланган. Уструшана муҳаддисларининг ўзига хос томони шундан иборат бўлганки, улар зоҳидликка кўпроқ эътибор қаратганлар. Бинобарин, зоҳидлик мақомига таркидунёчилик сифатида ёндашилмаган, балки бутла мулоимлик, ҳушмуомалалик, озга сабр қилиб, асосий эътиборни илм олиш ва халқни илм-маърифатга даъват этиш назарда тутилган.

Еттинчи ҳулоса. Жаҳон фани учун Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган олимлар қаторида фақиҳларнинг меросини ўрганиш, умуман, минтақамизда фикҳ илмининг юзга қелиши, ривожланиш бошқичлари, йўналишлари, ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини тадқиқ ҳамда таҳлил этишга жиддий ёндашу зарурлиги алоҳида таъкидланган. Уструшана минтақасидан етишиб чиққан 33 нафар фақиҳ ҳақидаги мухтасар маълумотлар тизимли равишда берилган.

Саккизинчи ҳулоса. XII аср охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган уструшанилик улғу аллома Маждуддин ал-Уструшаний (Абул-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Хусайн ибн Аҳмад Маждуддин ал-Уструшаний) ҳаёти ва фаолияти тарихий манбалар асосида ўрганилган. Бу борадаги тарихий маълумотлар тартибга солинган ва тизимлаштирилган ҳамда ўзаро қиёсий таҳлилга ўтказилган. Шу негизда Маждуддин ал-Уструшанийнинг "Жомий аҳком ас-сиғор" асари бундан саккиз юз йил аввал дунё тарихида бола ҳуқуқларига бағишлаб ёзилган илк ҳуқуқий манба экани илмий асослаб берилган.

Тўққизинчи ҳулоса. Маждуддин ал-Уструшаний фикҳ илми жадал ривожланган Қорахонийлар даврида Уструшанада таваллуд тоилгани, фикҳ илмидан дастлабки сабоқни маҳаллий фақиҳлардан ўргангани, Маҳмуд ва унинг ўғли Муҳаммад ал-Уструшанийнинг устози Бурхониддин Марғинович экани, Уструшанийлар шакланган илмий муҳит асосан ҳанафий мазҳаби олимлари таъсирида бўлгани қўлёзма манбалар асосида қайд этилган.

Учинчи ҳулоса. Маждуддин ал-Уструшанийнинг илмий мероси, унда илгари сурилган гоёлар ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмагани исботлаб берилган. Бу бой мерос, М.Атаев таъкидлаганидек: "Турли ақидапараст, динни ниқоб қилиб, сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринаётган гуруҳларга қарши гоёвий курашда, ёшларимизни исломнинг маърифий тамойиллари, инсонпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилиши табиийдир".

Ҳулоса қилиб айтганда, мустақиллик Ўзбекистон халқи учун ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий бойлиқларига эгалик қилиш, миллий маънавиятига таяниб яшаш, бошқа барча давлатлар қаторида ўзини тенг ҳуқуқли деб билиш, шунингдек, юртимиз ва аждодларимизнинг шонли тарихини ҳолис ўрганиш ҳуқуқи ҳамда имкониятларини таъминлади.

Истеъдодли олим Муслим Атаевнинг биз юқорида фикр юритган ҳар икки китоби бу борадаги оқилона давлат сиёсатининг махсуси, ушбу китобларга бевосита масъул муҳаррирлик қилган Шайх Абдулазиз Мансур таъбири билан айтганда: "мустақилликнинг яна бир мевасидир".

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз?!

Фарзандларимиз таълим-тарбияси

тараққиётимиз келажаги ва таянчидир



римизнинг улкан маънавий меросидан баҳраманд бўлиш имконини берди, - дейди Сирдарё туманидаги 15-умумтаълим мактаби директори Хосият Абидова. — Болаларимизга "Мустақиллик дарслари"да буюк алломаларимизнинг ҳаёти, улар қолдирган бой маънавий мерос ҳақида маълумот берилди. Дарс жараёнида биз киммиз ва қандай улғу зотларнинг фарзанди эканлигимиз, аждодларимиз маънавий мероси тўғрисида савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Истиқлол маънавий меросимизни қайта тиклаш, улғу боболаримизнинг хоки ётган жойларни муқаддас қадамжоларга айлантириш, номларини ёъозлаш, асарларини ўрганиш имконини берганлиги, минг машаққат эвазига эришилган бундай дорилмон кунлар — мустақилликнинг қадрига етиш, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, шу юрт учун керакли фарзанд бўлиш лозимлиги афрофлича тушунтирилади.

Бугун мактаб остонасида турган фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил физиклайдиган, интеллектуал салоҳиятли, билимли, мамлакат тараққиёти ва келажаги учун қайғурадиган масъулиятли баркамол авлод қилиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг келажаги учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик, юртимиздаги тинчлик-тотувлик ёшларимизга ўзалигини, иқтидорини, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигини англаш имконини берди. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Президентимиз Ислам Каримов мустақилликимизнинг 23 йиллигига бағишланган маърузасида Ўзбекистон ёшларига қарата: "Сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар, деб биламиз ва бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Юртимизда болалар спорти-

Ёшлар — жамият таянчи

Улкан имкониятлар калити

Юртимиз мустақилликка эришгач, ёшлар саломатлиги, уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши, жаҳон андозаларига мос билим даргоҳларида таълим-тарбия олиши ҳақида гамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида ёш авлод вакиллари кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Уларнинг ўз иқтидор ва истеъдодларини намойиш этишлари учун кўрик-танлов ва фестиваллар, олимпиада ва спорт мусобақалари, семинар ва конференциялар ташкил этиб келинмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, истиқлолимиз шарофатидир.

Мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларда "Камолот" ЕИХ ҳам муносиб иштирок этишга интиломоқда. Ҳаракат 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 5,5 миллион ёшни ўз атрофида бирлаштирган бўлиб, уларнинг Ватанимиз гуллаб-яшнашига ўз хиссасини қўшади, миллий ғояга содиқ фарзанд бўлиб улғайишлари кўмаклашмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юртимизда ёшларга оид ислохотларнинг мантқий ва ҳуқуқий давоми сифатида бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. "Камолот" ЕИХ фаоллари ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлари билан ўзларини кўрсатишмоқда.

Жумладан, ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги ўқувчилар ўртасида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга мақсадда "Сиз кунунги биласизми?" кўрик-танлови, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибидаги вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли тушунтириш, ёш авлодни ушбу жараёнларга

"Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамкорлигида иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ҳоразм вилоятидаги ёшларнинг бандлик муаммоларини ҳал қилиш, қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган, шунингдек, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ҳокимликлар, бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳамда тегишли ташкилотларга мурожаат қилган 4 минг 838 нафар ёш йигит-қизлар меҳнат ярмаркалари ҳамда тағрибот-ташвиқот ишлари воситасида иш билан таъминланди.

"Менинг бизнес ғоям" танловининг саралаш босқичларида 9 минг нафарга яқин касб-хунар коллежи битирувчилари ўз лойиҳалари билан қатнашишди. Мазкур танловлар орқали 42 нафар ёш тадбиркорга 593,5 миллион сўм миқдорда кредит олиши учун тавсияномалар берилди.

Ҳаракат томонидан ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш мақсадида Урганч шаҳри ҳамда Шовот ва Хазорасп туманларида ташкил этилган "Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари"да фаолият юритаётган 15 та тўғрада 1142 нафар ёш касб сир-асорларини бепул ўргандилар.

Бу амалий ишларимиз, албатта, сўнгисига элас. Олдимизда ҳали бажаришимиз лозим бўлган талаби муҳим вазифалар турибди. Зеро, ёшларга оид давлат сиёсати - жамият ривожининг муҳим омилли эканлини шиддатли даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шундай экан, биз ёшлар масаласида амалга ошираётган ишларимизни изчил давом эттириб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришимиз талаб этилади.

Мансурбек МАШАРИПОВ,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти Кенгаши раиси, ЎзМТДП аъзоси

Истиқлол йилларида Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Ҳаётимизнинг барча жаҳаларида олиб борилаётган ўзгаришларни чуқурлаштиришга, ҳуусан, ёш авлод таълим-тарбияси ва уларни ҳар томонлама соғлом, бақувват қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундан фарзандлар саломатлиги, камолини ўйлаб яшайдиган халқимизга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси дейиш мумкин.

Янги ўқув йилининг биринчи сабоғи ҳар йили "Мустақиллик дарси" билан бошланади. Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотган, мустақилликни энг азиз неъмат эканлиги, уни асраб-авайлаш лозимлиги, шу юрт, шу ватан учун керакли фарзанд бўлиб улғайиш лозимлиги таъкидланадиган ушбу сабоқ фарзандларимиз қалбига бир умр муҳрлашиб қолиши аниқ. Ана шундай улғу ғоя ва инсоний туйғуларни юрагига жо қилган дилбандларимиз эртага юртимиз шон-шавақатини, қудратини юксакларга кўтариши шубҳасиз.

Сирдарё вилоятидаги барча олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежи ва академик лицейлари, умумтаълим мактабларида ташкил этилган "Мустақиллик дарслари"да моҳир педагог-мураббийлар қатори, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, депутатлар, шоир ва ёзувчилар, меҳнат фахрийларининг иштирок этгани талаба ва ўқувчилар қалбига унутилмас таассуротлар қолдириб, қалбларини гурур ва ифтихорга тўлдирди. Дарс жараёнида ёшларга мустақиллик, тинч, осуда кунлар эъзози, улғу аждодларимизнинг тенгсиз кашфиётлари, бой илмий-маънавий мерослари ҳақида афрофлича маълумотлар бериб ўтилди.

Бу йил туманимиздаги 15-умумтаълим мактабида бўлиб, илк бор мактабга чиққан жажжи ўғил-қизларимизнинг ҳаяжон-ю, катта йўл бошида турган йигит ва қизларнинг хурсандчилигига шерик бўлдим. Болаларимиз тилидан янграган Ватан, Озодлик, Мустақиллик деган сўзлар қалбимизда ўзгача акс-садо берди.

— Истиқлол бизга аждодла-



(Ў.А.) олган суратлар.

Фаолият

Телекоммуникация хизматлари

сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди

Ўтган асрнинг 80-йилларида Тошкентдаги қариндош-уруғ, таниш-билишлар билан телефон орқали гаплашмоқчи бўлсак, туман ёки шаҳар марказидаги алоқа бўлимига боришимиз, устига устак, навбат кутиб буюртма беришимиз ҳам керак эди. Шу билан ишимиз битса қани энди. Ҳар сафар "тармоқ банд", "алоқа йўқ" деган турли сабаблар чиққани чиққан эди. Табиийки, бундан ҳафсаламиз пир бўлиб, ортга қайтардик.

Мустақиллик шарофати билан бугун қитъанинг исталган давлатига, хоҳлаган пайт кўнғироқ қилиш имконига эгамиз. Фақат мобил телефоннинг балансида етарли миқдорда пул бўлса бас.

Йил сайин ўзининг янги хизмат турлари билан инсониятга кенг қулайликлар яратиб келаётган алоқа бозори XXI асрга келиб жадал ривожланиш палласига кирди. Биргина мисол. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Бухоро шаҳар телекоммуникация боғланмасида шаҳарнинг барча ҳудудларига оптик толали NGN технологияси асосида ФТТБ юқори тизимли интернет хизмати ишга туширилиб, 2 мингга яқин миқдордан фойдаланиб келмоқда. Айниқса, IPTV юқори хизмат тури 62 та теледастурларни ўз қамровига олиб, ушбу тармоқ орқали керакли телекўрсатувларни томоша қилиш, ёзиб олиш, намоёишини ўзингиз истаган вақтга кўчириш имконияти мав-

жуд. Миллий фильм ва мультфильмларни эса бепул ёзиб олиш ҳам мумкин. Хорижий киномаҳсулотларни буюртма асосида томоша қилиш, телекўрсатувларни 48 соатдан сўнг ҳам орқага қайтарган ҳолда кўриш ва бошқа бир қатор афзалликлардан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда 48 мингдан ортиқ шаҳар аҳолисига телефон, 8 мингдан зиёд аҳолига эса юқори тезликдаги интернет хизмати кўрсатиб келаётган жамоамиз учун 2013 йил омадли келди. Бойси 25,4 километр узунликдаги оптик толали кабель ётқизибли, шаҳарда 11 минг портга эга бўлган 14 та MSAN қўрилмаси ўрнатилди. Мижозларимиз кўришма телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Маҳмуд ЖАЛИЛОВ,
Бухоро шаҳар телекоммуникация тармоқларини қуриш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи

Беллашув

Тошкент вилояти Пискент тумани марказида жойлашган муҳташам болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида "Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи" мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

"Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи"

мусобақасида 18 та оила голиблик учун курашди

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва "Маҳалла" хайрия жамоати фонди ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда еттита йўналиш: тўсиқлар оша эстафета, ким қақон ва мерган, моҳир эҳуфчи, арқон тортиш мусобақаси, ким эпчил ўйини, ким чаққон эстафетаси, шунингдек, шахмат-шашка бўйича вилоятнинг шаҳар ва туманларидан голиб бўлиб келган 18 та оила мутлақ голиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақага ҳиддий тайёргарлик кўрган Пискент тумани, "Майлобод" маҳалласида яшовчи Б.Абдуллаевлар оиласига 1-, Юқоричирчиқ тумани, "Ўзбекистон" маҳалласида яшовчи А.Эшонларга 2-, ҳамда Зангиота тумани, "Туробод" маҳалласида яшовчи У.Усмоновлар оиласига 3-ўрин насиб этди. Голиблар қимматбаҳо совғалар, вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Шавкат ФАЙЗИЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ ҳуқуқбузуриқларнинг олдини олиш бошқармаси бўлинма бошлиғи, капитан

Бунёдкорлик

Юртни обод айлаш саодати

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши натижасида намунавий услубдаги уй-жойлар, касб-хунар коллежлари, тиббиёт масканлари, мактаблар, жамоат бинолари, маданият ўчоқлари, спорт комплекслари, истироҳат боғлари барпо этилди. Борлари қайта таъмир ва реконструкция қилинди. Бундай бунёдкорлик ишлари республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам олмайди тус олади, десак асло муволажа бўлмайд.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси тақдим этган маълумотларга кўра, биргина жорий йилда 10 минг 592 ўринли 69 та умумтаълим мактаблари реконструкция қилинди, 6588 ўринли 14 та мактабда эса капитал таъмирлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилди. Бундай ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларининг тендер баҳоси 31 миллиард 869 миллион 477 минг сўмини ташкил этди. Шунингдек, вилоятда 4 та мусика ва санъат мактаби, 8 та умумтаълим мактабида қўшимча спорт заллар, 5 та спорт иншооти, 12 та соғлиқни сақлаш объекти ҳам ўз вақтида битказилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Самарқанд шаҳрининг Даҳабд кўчасида вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини реконструкция қилиш ишлари жадал олиб бориломоқда. Тендер баҳоси 3 миллиард 140 миллион сўм бўлган бу объектдаги қурилиш ишлари "Амон бобо люкс" хусусий корхонасининг моҳир қурувчилари томонидан амалга ошириляпти. Шаҳардаги яқка кураш бўйича олий спорт мастерлик мактаби эса "ПМК-4" МЧЖ қурувчиларига топширилган бўлиб, таъмирлаш ишлари ўз вақтида, сифатли бажарилди. Юрт жамолидан қувончи, унинг ободлигини севиниш яхши. Бироқ, оддий қурилиш материалларидан мўъжизалар яратётган, санъат асарлари даражасидаги қошоналар бунёд этаётган қўлигул уста — дурадгорлар, ганчкорлар, ёғоч ўймакорлари меҳнатини қадрлаш, уларга миннатдорлик билдириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Бу йил Булғунур туманидаги қатор мактабларда реконструкция ишлари бажарилди, янги бинолар қуриляпти. 63-сон умумтаълим мактабининг реконструкция ишлари "Вазир Парвиз Омад қурилиш" хусусий корхонаси зиммасига юкланган. 180 ўқувчига мўъжалланган ушбу мактаб ўқувчилари эндиликда янги ўқув йилини янги бинода таҳсил олиш имконига эга бўлишди. Қурилиш раҳбари Абдуқаҳор Ашуров, қурилиш устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Кўчкор Бурҳонов, бригада бошлиғи Алишер Жабборов, гишт терувчи Салим Жабборов, монтажчи Давлат Хидиров билан сўхбатла-

шиб, кайфиятимиз кўтарилди. Мактаб қишлоқ хуснига хусн қўшди. Эргаш Насриддинов раҳбарлигидаги "Сохтамон" МЧЖ бунёдкорлари тортигидан Тайлоқ тумани Ҳовзак қишлоқ аҳли бағоят миннатдор. Бу ерда фойдаланишга топширилган мактаб биноси лойиҳаси бўйича ҳам, пишиқлиги жиҳатидан ҳам замонавий талабларга мос келади.

— Қурувчиларга минг бор тасанно, барча ишларни кўнгилдагидек бажаришди. Хом-хатала, сифатсиз ишга қўл уришмади. Насиб этса, ушбу билим даргоҳи яна кўп йиллар халққа хизмат қилади, - дейди 37-умумтаълим мактаби директори Жўраҳон Исахонов.

— Бунёдкор-усталар учун барча шароитларни яратиб бердик. Махсус коржомалар, иссиқ овқат, маданий хордик, дейсизми - барчаси муҳайё этилди. Шу боис улар қўрилишда тезкорлик ва сифат учун курашишди, - дейди моҳир қурувчи Эргаш Насриддинов.


Пайриқ туманининг энг олис нуқтасида жойлашган 32-умумтаълим мактабининг замонавий биноси "Қурувчи" хусусий корхонасининг қўлигул қурувчилари томонидан бунёд этилди. — Қурилиш материалларини асосан тумандаги гишт заводи, "Самарқанд темир-бетон" комбинати, Бекобод металлургия заводидан олдик, - дейди корхона раҳбари, жонқуяр қурувчи Иброҳим Халилов. — Таъкидлаш керакики, бу корхоналарнинг махсулотлари сифатлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли биз қураётган иморатлар чидамли ва кўркам бўлмоқда. Яхши материал яхши устанинг қўлига тушса, нур устига нур бўлади. Биз жамоамиз аъзолари гишт терувчи Зокир Раҳмонов, ёғоч устаси Алишер Ўсаров, пайвандчи Зафар Равшанов, бўёқчи Ширинқул Дибровларнинг номларини фахр билан тилга олимоқдам.

Самарқанд шаҳридаги Автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи биноси учун қурилган спорт зали ёшларимиз учун яна бир ажойиб қўлайлик бўлди. Ўтган йили эса бу ерда касб-хунар коллежининг кўркам биноси қад ростлаган эди. Бу қилинган шаҳардаги Рустам ака Яхьяев раҳбарлик қилаётган "Жайхун" МЧЖ жамоаси бош бўлди. Корхона қурувчилари вилоятда қатор ишларни амалга ошириб, тилга тушган. Самарқанд шаҳрига кўрк бўлиб турган янгидан қурилган кўп қаватли уй-жойларни ана шу жамоа қурувчилари бунёд этишган. Қўллаб мактаблар, спорт заллари, санъат масканлари, вилоят ёнгин хавфсизлиги бошқармаси биноси, Иштихон туманининг олий Зарбанд тоғларида касб-хунар коллежи сингари қурилишлари ўз вақтида ва сифатли доим этишган. Катта таърибага эга қурувчилар ҳар доим ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга одатланган. "Жайхун" жамоасининг хайрли ва эзгу бундайн ишлари кўпчиликлари ўртак бўлиб келмоқда.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

СУНЬИЙ ТАФАККУР ВА ИНСОНИЯТ КЕЛАЖАГИ



Бугунги кунда техника ва технологиялар шиддат билан ривожланмоқда. Замонавий телефон ва телевизорлар, компьютер техникалари инсониятнинг яқин ҳамроҳига айланиб бўлди. Кузатувчиларнинг фикрича, ривожланиш шундай давом этса, 10-15 йилдан кейин роботлар ҳам жамиятнинг ажралмас қисмига айланади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2005-2008 йилларда дунёда қарийб 600 мингта "темир одам" яратилган бўлса, бугунги кунда улар сони йилга 800 мингдан ошмоқда. Уларнинг аксарияти Япония, Европа Иттифоқи ва АҚШ ҳиссасига тўғри келмоқда.

Япония, шунингдек, саноат роботларини экспорт қилиш бўйича ҳам дунёда 1-ўринда туради. Ҳозирги кунда мажбур давлатда йилга қарийб 60 мингта роботлар ишлаб чиқарилиб, уларнинг аксарияти экспорт қилинади. Ҳозир Кунчиқар юрда беморларга хизмат қилувчи роботлар анча оммалашган. Бу мамлакатда олимлар бесўнакай, кўп зарядли роботлар ўрнига, жуссаси кичик, нисбатан ёнгилроқ, бир сўз билан айтганда, қулай техникалар яратишга алоҳида эътибор беришмоқда.

Европа Иттифоқида олимлар роботлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланишни афзал билишган. Масалан, Дания ва Франциялик олимлар томонидан яратилган "темир одам" кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Бу "дўст" имиз бегона ўтларни таниб, уларнинг томирига чекланган микродора гербицид юборида ёки уларни юлиб олади. Австралиялик фермерлар роботлардан пишкчилик мавсумида унумли фойдаланишмоқда. Уларга тарвуз ҳосиллини инсонга нисбатан бир неча баравар тез териб, машиналарга жойлайдиган роботлар хизмат қилаётди. Лазер ва видеокамера ўрнатилган роботнинг мияси пишган тарвузларни топиб, узиб олади. Англик курсаткичи - 99 фоиз!

АҚШда яратилган врач-робот ҳам операциялар жараёнида шифокорларга анча қулайликлар туғдирмоқда. «Да Винчи» номли жарроҳларга ёрдамчи тизим бе-

морга тегинмай, тўқималарга кўп зарар етказмасдан мураккаб операцияларни амалга ошириш имконини беради. Врач операция столидан бир неча метр наридан туриб, компьютер орқали жарроҳлик қилади. Робот ички аъзоларда юз бераётган жараённи 10 баравар катталиқдаги тасвирда кўрсатади.

Ерда юрвчи "темир аскарлар". АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ушбу лойиҳага кўра, робот уруш майдонида инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш, хавфли ҳудудларга кириб бориш вазифасини бажаради. Улар олинган маълумотни бошқарув пунктига ҳам узлуксиз узатиб туради.

Тахминий маълумотларга қараганда, 2050-2060 йилларда АҚШда кўпга савдо шохобчаларида роботлар ишлаши кўтиломоқда. Бошқача айтганда, роботтехника инкилоби натижасида мамлакатда чакана савдо соҳасида қарийб 5 миллионга ишчи ўринларини роботлар эгаллаши, 2025 йилга бориб кўриб, эшитадиган, худди одам каби ҳаракатланувчи, ҳатто буюмларни ташийдиган роботлар лабораториялар оstonасидан ҳатлаб ўтиб турмушимизга кириб келиши кўтиломоқда. Албатта, улар биз сингари ижодий фикрлай олмайдилар, лекин бунинг унчалик аҳамияти йўқ.

Роботтехника шиддат билан ривожланиши натижасида унинг маҳсулини қишлоқ хўжалиги, саноат, тиббиёт ва бошқа соҳаларда кўриш мумкин. Авто-

матлаштирилган технологиялар ҳарбий саноатга ҳам кириб келганига анча бўлган. Болалар ўйинидан тортиб улкан автомобиль заводлари, шифохоналарда ҳам ақлли темир жонзотларни учратасиз. Кузатувчиларнинг фикрича, яқин йилларда офисда телефон кўнғирокларига жавоб берадиган, ҳужжатларни бўлимларга олиб борадиган роботлар пайдо бўлади. Улар рестороанларда ҳам официант вазифасини бажара бошлайди.

Айни пайтда роботлардан асосан йирик-йирик компаниялар, муассаса ва ташкилотлар фойдаланишмоқда. Зеро, асосан техника ва технологияларга асосланган фирмалар учун роботларнинг ишлаши айни мудоаа — ҳам арзон, қулай ва тез! Гуманоид роботларга эҳтиёж ортиб борган сари уларнинг нархи ҳам муттасил пасайиб бораверади. Гуманоид робот оммавий товарга айлангач, иш жойларда одамлар ўрнига кела бошлайди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирдан вақтнинг шиддат билан ўтаётгани, одамларнинг иш, турли юмушларга улгурмаётгани инобатга олинса, 2030 йилдан тез овқатланиш секторига тирик хизматчиларни сунъийлари билан алмаштириш эҳтиёжи туғилади. Кейинчалик роботлар меҳмонхоналар, аэропорт ва шаҳар хиёбонлари, дам олиш масканларида хизматчилар ўрнини эгаллайди.

«Роботлар миллати» китоби муаллифи Маршалл Брейн ўз ҳикоясини шундай бошлайди. Макдональдс тамаддиҳонасига йўл

- «Робот» атамаси ўтган асрнинг 20-йилларида чехча «робота» - оғир қора меҳнат деган сўздан келиб чиққан. Чех ёзувчиси Карел Чапек ўзининг «R.U.R» ҳикоясида бу атамани илк бор қўллаган.
- Тахминларга кўра, жорий йилда мустақил ҳаракатланувчи роботлар бозори ҳажми 10 млрд. долларни ташкил этади.
- Роботнинг асосий қисми ҳисоблаш тизимидан иборат. Робот муайян функцияларни бажариш учун датчиклардан келаётган ахборотни қайта ишлайди. Роботларнинг катта электр сизимига эга бўлган ихчам аккумуляторлари аҳён-аҳёндагина заряд олади.

олган оила турли автоматлаштирилган тизимлар хизматидан фойдаланади. Банкомат-робот оила аъзоларига нақд пул беради, уларнинг автомашинасига бензин солиб, дўкдан болаларга зарур маҳсулотларни сотиб олиб беради. Уларнинг хизмати ҳам арзон, бинобарин, моллар нархи ҳам қиммат эмас. Яхши ишлайдиган ва ҳаммага маъқул нарсалар тез тарқалиши қонуниятига асосланиб, Брейн бир хулосага келди: келгусида, албатта, мамлакатдаги рестороанларнинг аксариятида таомлар мижозларга автоматик тарзда етказиб бериллади. Ошхонада ҳам одатдаги узун мўйловли ошпаз амаки ўрнига чаққон, мияси миллион марта тез ишлайдиган, овқатни шўр қилиб юбормайдиган ёки гўштни ортиқча қовуриб қотириб қўймайдиган роботлар ишлаши мумкин!

— Бир кун келиб истеъдодли олим ақлли, лекин, принципсиз автомат яратишдан қўрқаман, - дейди мутахассис Элизер Юдковский. — Бундай сюжетлар киноларда кўп жонлантирилган, бироқ, ҳаётда техника тараққиётининг қурбонларига А.Шварценеггер қиёфасидаги ёрдамчи келмайди. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам компьютерлар тобора ақлли бўлиб бораётди, шу боис уларнинг одамлар билан муносабатини ҳозирдан ҳал қилиш керак.

Тахминларга кўра, 2030 йилга бориб, роботлар уйни тозалаб, чиқиндиларни йиғиштиради, чанглари артади. У кунига 6 соатдан ишлайдиган учта хизматчининг ишини бажара олади. Робот эгаси бу учта ходимга жавоб бериб, машинага сарфланган пулини атиги 4 ойда чиқариб олади, робот суткасига 24 соат давомида тинимсиз ишлаб, қош-қовоқ қилмасдан, касаллик таътилига чиқмай, боз устига кўрсатмаларни сўзсиз ва аниқ бажариб, кўп йиллар давомида хўжайинига садоқат билан хизмат қилади. Шундай пайтда бағоят арзон ва беминнат хизматчида ким ҳам воз кечиши мумкин. Кузатувчиларнинг фикрича, айни шу ҳолат ҳам корпорацияларни хизматчи одамларни алмаштириш учун гуманоид роботларнинг бутун бир гуруҳларини сотиб олишга ундаши мумкин.

Бу башоратларга гумон билан қарайдиган ўқувчилар учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз: 1904 йилда ҳадемай одамлар овоз тезлигидан пешроқ бўлган самолётларда бир қитъадан иккинчисига атиги бир неча соатда учиб ўтади, деган гапларга ҳеч ким ишонмаганди. Лекин 1955 йилга келиб самолётлар овоздан тез уча бошладилар. Шу жиҳатдан саноат, техника тараққиёти бугунгидек шиддат билан ривожланишда давом этса, роботлар тез орада ёнимизда ёрдамчига айланиши ҳеч гап эмас.

Беҳбуд БОТИРОВ,
«Milliy tiklanish» шарҳловчиси

Болалар — урушнинг биринчи қурбонлари

Жорий йил бошидан буён Ироқда ҳалок бўлган ва жароҳатланган болалар сони 700 нафардан ошган.

Бу ҳақда БМТ Бош қотибининг болалар ва қуролли зиддиятлар бўйича махсус вакили баёнот берган. Мутахассиснинг айтишича, аксарият болалар қуролли жангарилар қўлида ҳалок бўлмоқда. Воғна етмаган ўғил болалар қуроллантирилиб, муҳим иншоотларни қўриқлаш, терактларда иштирок этишга мажбур қилинмоқда, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Мутахассислар, шунингдек, кўпорувчилик ва уруш ҳаракатларида айбланиб, Ироқ ҳукумати томонидан хибсга олинган болалар тақдирига нисбатан ҳам хавотир билдиришган.



Сув тошқинлари

Ҳиндистон ва Покистонда сув тошқинлари давом этмоқда.

Хабарларга кўра, табиий офат оқибатида ҳалок бўлганлар сони 400 кишига етган, яна етти юз киши турли даражада жароҳатланган. Минглаб одамлар бошпанасиз қолган. Қурбонларнинг катта қисми Ҳиндистоннинг Панжоб штати ва Кашмирнинг Покистон қисми ҳиссасига тўғри келмоқда, деб хабар беради «РИА Новости». Унлаб кўприкларга тўлиқ ёки қисман талофат етган. Ҳисоб-китобларга кўра, сув тошқинидан жами ярим миллионга яқин одам жабр кўрган. Ҳозир табиий офат юз берган жойларда ҳукумат томонидан ёрдам кўрсатиш пунктлари ташкил қилинмоқда.



Шошиб кетган қиш

Хабарларга кўра, Канаданинг гарбий провинцияси Альбертада йилнинг бу мавсумига зид тарзда 5 см.дан 10 см.гача қор ёққан.

Миллий метеорология хизматининг хабар беришича, келгуси бир неча кун давомида қор ёғиши давом этади. Тарқидлаш жоизки, ҳатто 7 сентябрь кунини ҳам ушбу ҳудудда 23-24 даража иссиқ қайд этилаётган эди. Душанба кунини эса ҳаво ҳарорати ноль даражагача тушиб кетган. Мутахассислар ўтган йили биринчи қор 27 октябрда ёққани ва фақатгина 1921 йил сентябрь ойи бошида ерни 12 см. қалинликда қор қоллаганини қўшимча қилишди.



Никарагуада метероит

Никарагуага тушган метероит ўзидан чуқурлиги 5 метр ва радиуси 12 метрлик из қолдирган.



7 сентябрдан 8 сентябрга ўтар кечаси мамлакат пойтахти Манагуа аэропорти атрофида метероит бўлаги келиб тушган. Аэропорт яқинида жойлашган ҳарбий база ва бошқа объектларга зарар етмаган, одамларга ҳам зиён етмаган. Ўрмонга тушган метероит бўлаги чуқурлиги 5 метр ва радиуси 12 метрлик из қолдирган. Хабар қилинишича, Ердан 40 минг км. узоқликда 2014 RC астероиди учиб ўтган. Тахминий маълумотларга кўра, тушган метероит ушбу астероиднинг ажралган бўлаги бўлиши мумкин.



Эбола: давоси топилди

Эболдан даволанаётган икки нафар бемор учун муолажалар муваффақиятли якунланган.

Уларга ZMapp деб номланган синовадига дори воситаси тайинланган. Шу пайтгача давосиз ҳисобланган хасталикни энга олган собиқ беморларни мамлакат президенти ҳам табриклаган. Либерия ҳукумати пойтахт Монрови ҳудудларидан берида Эбола безгаги сабаб эълон қилинган карантин ҳолатини бекор қилган. Маҳаллий аҳоли ёмғир ёғишига қарамай ўз қувончини рақс ва қўшиқлар билан ифодалаган. Қўшни Сьерра-Леонеда ҳам кўнгуллилар Эбола вирусини ва касалликни енгиш ҳақида ахборот берувчи буклетларни аҳолига тарқатишмоқда. Эслатиб ўтамиз, Эболага чалинганлар сони Фарбий Африкада 3000 кишидан ортиб кетган.



Интернет хабарлари асосида
Юдуз ҲАЙДАРОВА тайёрлади


Рангин дунё

Санъат ва илм-фан мажмуаси

Бешта йирик меъморий иншоотни ўзда бирлаштирган мажмуа Валенсия (Испания) шаҳрида, Турия дарёсининг эски ўзани ўрнида барпо этилган. Мажмуа XX аср охирида қурилган замонавий архитектура намуналаридан бири ҳисобланади.

Салкам икки километр майдонни эгаллаган мажмуа Валенсия шаҳар маъмурияти буюртмасига асосан архитекторлар Сантьяго Калатрава ва Феликс Кандела томонидан лойиҳалаштирилган. Унга кўра, санъат ва илм-фан мажмуаси баландлиги бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаши лозим бўлган 370 метрли алоқа минораси, Планетарий, шунингдек, Илм-фан музейидан иборат бўлиши лозим эди. Ушунда қурилиш ишлари ўрта ҳисобда 25 миллиард пестет ёки 150 миллион евро атрофида баҳоланган.

1994 йили қурилиш ишлари белгиланган режа асосида бошлаб юборилди. Бироқ, иншоотлар бир-бирини янада тўлдирishi учун унга айрим ўзгаришлар киритилди. Ва ниҳоят, 1998 йилнинг апрелида мажмуа таркибига кирувчи илм-фан Планетарий ва 3D кинотеатри, орадан 11 ой ўтиб эса Илм-фан



музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Лекин, ўшанда музейдаги пардозлаш ишлари охирига етмагани боис омма учун унинг эшиклари 20 ойдан кейингина очилди. Шундан сўнг, мажмуадан яна икки иншоот — Европадаги энг катта океанариум (2002 й.) ҳамда Валенсия опера театри (2005 й.) жой олди.

Мажмуа ҳудудидаги энг йирик океанариум ёхуд Океаншунослик боғининг майдони 110 000 квадрат метрни ташкил қилади. Бу ердаги аквариумга 42 миллион литр сув кетишини ҳисобга олсак, уни бемалол мўъжаз океанга менгаш мумкин. Унинг ҳайвонот олами ҳам тирик табиат жонзотларидан қолшмайди. Денгиз мушуклари, дельфинлар, ақула, пингвин ва бошқа жониворлар аквари-

умни ўзиларига макон тутишган. Океанариум 9 та бир-бирига уланган аквариумдан иборат бўлиб, кўринишдан баланд минораларга ўхшайди. Қизиги шундаки, боғ бўйлаб сайр қилган инсон бутун дунёни айланиб чиққандек бўларкан. Бунинг учун океаншунослик боғидаги интерфаол тунелдан ўтишининг ўзи кифоя. Зум ўтмай, кимдир Арктика, яна кимдир Антарктида манзарасидан баҳра олармиш.

Шаҳзода Филипп номидаги илм-фан музейи шаҳардаги энг йирик иншоотлар сирасига кирилади. Унинг узунлиги 250, баландлиги эса 33 метр. Музей нафақат ўлчам, балки замонавий меъморий ечимга эгаллиги билан ҳам киши эътиборини тартади. Бинонинг бирорта ҳам тўғри бурчаги йўқ. Фарбий қисми ойна-

ванд бўлгани учунми, музейнинг ички қисми ниҳоятда кенг кўринадилар. Музей залларида илм-фан ва технология тараққиётига бағишланган бир неча экспонатлар, интерфаол кўргазмалар намоишга қўйилган. Томошабинлар музейдаги жамики экспонатларни ушлаб кўришлари мумкин. Айтишларича, TITANIC деб номланган кўргазма кўпчиликнинг эътиборини тортаркан. Ахир ҳалокатга юз тутган афсонавий кема тарихи кимни ҳам қизиқтирмайди, дейсиз. Кўргазмада худди ана шу кема ва унинг тарихи билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади.

Мажмуа бағридаги яна бир иншоот — санъат қошонаси эса юнон жангчисининг дубулгасига ўхшаб кетади. Бироқ, бу дубулга кўринишдан анча йирик ва ул-

Зафар МУҲАММАД

Калқонсимон без касалликлари

Йод қалқонсимон без гормонларини синтез қилиш учун зарур микроэлементлар сирасига киради. Ушбу модданинг организмга етарли миқдорда келиб тушмаслиги натижасида турли хил қалқонсимон без касаллиқларининг ажзалишига сабаб бўлади.



Қалқонсимон безнинг асосий вазифаси одам организмни ўсиши ва ривожланиши, тўқималар табақалашуви, модда алмасишуви жадвалини тартибга солувчи тироксин, трийодтиронин ва бошқа гормонларни синтез қилишдан иборат. Мазкур аъзо фаолиятининг бузилиши базедов касаллиги, бўқоқ ва бошқа хасталиқларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, йод етишмовчилиги йўл қўймаслик лозим. Катта ёшли одамнинг йодга бўлган бир кеча-кундузлик эҳтиёжи 150-200, ҳомиладор ва эмизикли аёлларники эса 200-250 микрограмми ташкил этади. Ҳолсизлик, чарчоқ, вазн ортиши, жунжикиш, совуққа чидамсизлик, иштаха йўқолиши, шиш, пешоб яхши келмаслиги, овоз бўғилиб хирқириши, мушак тортишиб, чангак бўлиб қолиши, тери қуруқшаб сарғимтир тус олиши, соч толаларининг мўртлашиши, камқонлик - буларнинг бари қалқонсимон без фаолиятида бузилишлар борлигидан далолат беради. Бундай пайтда пайсалга солмай эндокринолога мурожаат этиш фойдадан холи бўлмайди. Кўпчилигим севиб истеъмол қиладиган қўқатлар, қора мағизли ёнғоқ, майиз, полиз маҳсулотлари, шивит ва исмапоқ йод моддасига ниҳоятда бойдир. Йод танқислигининг олдини олишни истасангиз бундай маҳсулотларни таркибига йод моддаси мавжуд препаратлар билан бирга истеъмол қилиб туришни унутманг.

БИЛАСИНИ?

Шахматда эҳтимолӣ партиялар сони коинотдаги атомлардан кўп.

Кун давомида Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳри ҳавосидан нафас олиш 2,5 қутти сигарета чекиш билан баробар.

ТУРФА ОЛАМ

Ажабтовур кўрғазма

ШУ ЙИЛНИНГ ОКТЯБРИДА БОУЗ (ЛОНДОН, БУЮК БРИТАНИЯ) МУЗЕЙИДА "ҒАРОЙИБ ҚУШЛАР: ПАТ ВА УҚАРЛАР ЯНА УРФА" ДЭБ НОМЛАНГАН КЎРҒАЗМА ОЧИЛАДИ.

Кўрғазма экспозициясидан шу кунгача қуш патлари ва уқарлардан тикилган либослар ўрин олиши кутилмоқда. Улар орасида Англия, Бельгия, Франция ва Италиядаги машҳур дизайнлик марказлари томонидан тақдим этилган антиқа кийим-кечаклар ҳам бор. Қолаверса, кўрғазма чоғида томошабинлар энг қадимий касб эгалари бўлмиш уқар сотувчилар тарихи, уларнинг бугунги кундаги фаолиятлари билан танишиш имконига эга бўладилар. Мавзуга доир экспозицияларда елпигич, турли хил оёқ кийимлар учун пат ва уқардан ишланган махсус аксессуарларнинг ҳам жой олиши кутилмоқда. Ажабтовур кўрғазма жорий йилнинг 25 октябрдан 2015 йилнинг 19 апрелигача ўтказилиши белгиланган.



Вақтни бой берманг

ТАДҚИКОТЧИЛАРНИНГ ХИСОБЛАШИЧА, МАКТАБ ЁШИГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ИККИНЧИ ТИЛНИ БОШҚАЛАРГА ҚАРАГАНДА ТЕЗ ЎРГАНАДИ.



Мазкур фикрга келишдан аввал олимлар икки тилли ва бир тилли мактаб ёшига етмаган болалар ўртасида ўзига хос тадқиқот ўтказишди. Икки гуруҳга бўлинган болакайларга ўзлари билган ва билмаган ҳайвонлар расми кўрсатилди. Тадқиқот натижасига кўра, икки тилли болалар бир тилни биладиган болаларга нисбатан анча истеъдодли бўлиб чиқди. Масалан, бир тилли болалар ўзлари билган ҳайвонларни эринмай номма-ном айтиб берган бўлсалар, аксинча, икки тилли болакайлар ўзлари учун мутлақо нотаниш ҳайвонлар номини ҳеч бир кийинчиликсиз санаб ўтишган. Тадқиқот чоғида олимлар икки тилли болаларда янги ва нотаниш сўзларни ўрганишга бўлган иштиёқ кучли эканини, қолаверса, уларда фикрлаш, ҳар бир сўзни раво талаффуз қилиш қобилияти шакллана боришини аниқлашди. Шундай экан, вақтни бой бермаслик, имкон қадар фарзандларимизга болаликданок тил ўргатишимиз зарур.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Фольклор

“Сайхун йигитлари”

репертуаридан халқ кўшиқлари, рақс ва куйлари муқим ўрин олмоқда



Шу кунларда ҳар биримизнинг дилимизда ўзгача завқу-шавқ ҳукмрон. Мустиқил диёримизда Истиқлол шодиёнлари кўтаринки руҳда нишонланди. Бу гўзал байрам қалбларимизга фахр-ифтихор, кўнглиларимизга сурур бахш этади. Мана шундай лаҳзаларда Президентимиз раҳнамолигида босиб ўтган мустиқил тараққиёт йўлимиз давомида эришган юксак марраларимиз, амалга оширган бетимсол ишларимиз кўз олдимизда гавдаланади. Бу йиллар, ҳеч шубҳасиз, асрларга тенг.

ниёз Тожиёв, Абдували Ўролов, Равшан Зияёв, Душанбой Султонов, Камолиддин Аҳмедов, Сайидмурод Гулмуродов, Насим Бобоназаров, Акбар Ўсаров каби истеъдодли ижрочилар, санъатга илҳомдод хаваскор ёшлардан иборат.

Жамоа номинан «Сайхун йигитлари» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Тарихдан маълумки, Сирдарё ўғлимида «Сайхун» деб номланган. Сайхун бўйларида яшовчи халқларнинг ўзига хос удумлари, ранг-баранг маросимлари ҳозирги кунимизгача авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб, сайқалланиб етиб келган. «Сайхун йигитлари» халқ хаваскорлик бадийи жамоасининг репертуари ана шу миллий меросимизни акс эттирувчи дастурлардан иборат бўлиб, ундан халқнинг азалий қадриятларини тараннум этувчи маросим кўшиқлари, рақс ва халқ куйлари ўрин олган.

Ансамблнинг бадийи раҳбари Мамараҳим Ҳақназаров мустиқилгимизнинг 23 йиллиги

арафасида мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, ёрқин истеъдоди ва ижоди, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Бу нафақат менинг, балки кўп йиллардан буён халқимизга хизмат қилиб келаётган жамоамиз, қолаверса, вилоятимизнинг ютуғи. Ҳар йили истиқлол айёми арафасида фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг фахрий унвон ва орденлар билан тақдирланиши, доимий равишда рағбатлантириб борилиши ҳам юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг натижаси деб биламан. Бу каби муқофотлар янада шижоат билан ишлашга, янги-янги марраларни кўзлаб, бойиб олиш билан меҳнат қилишга ундайди, дейди Мамараҳим Ҳақназаров.

Жамоа аъзолари доимий ишлайди. Ўтган йиллар давомида «Сайхун йигитлари» республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик директори Азамат Ҳайдаров. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Жамиятни соғлом эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муволазирлигида эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор - санъат ёрдамида маънавий-маърифий тарбияни юксак даражага қўтариш бугунги янгилиши даврида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда». Зеро, фольклор санъати, миллий кўшиқларимиз инсониятни ҳамisha эзгу ишлар қилишга, саодатли яшашга қўлайверади.

Назокат АҲМЕДОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Самарқандда ёшлар фестивали

Самарқандда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқат сenga бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Самарқанд вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

Фестиваль доирасида дастлаб «Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчилигининг ўрни ва роли» мавзусидаги илмий-амалий конференция ўтказилди. Ҳаракатнинг вилоятдаги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари етакчилари, фаол ёшлар иштирокидаги анжуманда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бунда «Камолот» ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

— Бугунги кунда вилоятимизда ҳаракатнинг 1 минг 700 дан ортиқ бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, - дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ўринбосари Жасур Раҳмонов. — Уларнинг иш самарадорлигини ошириш, ёшлар орасига кириб боришларини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриломоқда. Бугунги конференцияда ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Самарқанд шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг шаҳардаги тарихий обидалар ва музейлар, таълим муассасалари ва спорт иншоотлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳати ҳам таассуротларга бой бўлди.

Шундан сўнг фестивал тадбирлари Самарқанд шаҳридаги «Сўғдиёна» истироҳат боғида давом этди. Бу ерда Ватанимиз мустиқиллигининг 23 йиллик байрами муносабати билан «Мустиқилликка меннинг тўқхам» шиори остида хунарманд ва ижодкор ёшларнинг асарларидан иборат кўрғазма ташкил этилди. Миллий спорт ўйинлари, шахмат-шашка, муайтай, стол теннис буйича мусобақалар ўтказилди, ўзбек жанг санъати усталари ҳамда авторалли махсус техникаларининг кўрғазмали чиқишлари уюштирилди.

Тадбирларда фаол иштирок этган спортчи ёшлар ташкилотларининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фестиваль доирасидаги тадбирлар истироҳат боғида янги барпо этилган амфитеатрдаги гала-концерт билан якунланди.

Ғ.ХАСАНОВ, Ў.А. муҳбири

Истироҳат масканларида

Бизнинг боққа кириб ўтинг, дўстларим...



Ғафур Ғулом номи маданият ва истироҳат боғи пойтахтимиздаги энг баҳаво, ҳамшиша гавжум дам олиш масканлари сирасига киради. Айни кунларда боғ ҳар қачонгидан-да байрамона қиёға кириб. Боғнинг аҳил жамоаси энг улғ ва энг азиз байрамимиз - мустиқиллигимизнинг 23 йиллик шодиёнларини ўзгача қарши олганини сезиш қийин эмас.

Зарҳал рангда товланиб турган хассос шоир Ғафур Ғуломнинг ҳайкали серқатнов кўчада сайр қилаётган йўловчиларни ўз бағрига чорлаётгандай... Боққа қадам қўяр экансиз, шоирнинг "сизлар учун дарво-

замиз ланг очик" деган сўзлари жаранглаётгандек, гўё. Боғнинг умумий майдони 21 гектарни ташкил этади. Иккита ҳовуз ҳам бор.

— «Соғлом бола йили»га белгиланган барча тадбирларимиз муваффақиятли амалга оширилмоқда, - дейди бизга пешвоз чиққан боғ мутасаддиси Музаффар Жакбаров. — Жумладан, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунинда фарзандларимизнинг мароқли дам олиши учун барча зарур чоралар кўрилди. Кичкинтойларимиз Ўзбекистондек гўзал юртда яшаётганларидан хурсанд бўлишди. Дарвоқе, бизда ҳафтанинг ҳар чоршанбаси болалар кунини деб эълон қилинган. Шу кун болалар ўзлари севган санъаткорлари билан учрашдилар, тарбиявий аҳамиятга эга спектакллар томоша қилиб, спорт ва бошқа аттракционларда мириқиб ўйнашлари мумкин.

Боғдаги соя-салқин бериб турувчи

дараклар, чўмилиш учун мўлжалланган ҳовуз, спорт машғулотлари ўтказиладиган майдонларни кўриб, яна болаликка қайтгимиз келди. Бу ерда кўрсатилаётган хизматларнинг кўпчилигини айтмайсизми? Шер, айиқ, бўри қиёғасидаги никобларни кийиб олган болалар ўз тенгдошларини рақсга таклиф этади, суратга туширадилар, аттракционларда ўйнашга ундайдилар. Хурсандчиликдан вақтинг ўтгани ҳам билинмайди. Боғнинг жонли бурчагида эса ноёб ҳайвон ва қушлар намуналарини кўриш мумкин. Болалар қушларни озуқалар билан сийлайдилар. Табиати севишни ўрганадилар, кўрганларини дўстларига ҳикоя қилиб берадилар.

— Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда ташвиқот ва тарғибот ишларининг таъсири катта бўлмоқда. Малакали мутахассислар, санъаткор ва мураббийлар иштирокида турли мавзуга оид суҳбатлар уюштирилмоқда, - дейди М.Жакбаров. — Маданият ва истироҳат боғи республикадаги турдош боғлар билан муштаҳкам алоқа ўрнатган. Ортирилган тажрибалар соҳа тақомилга бағишланган семинарлар чоғида оммалаштирилмоқда. Уларда истироҳат боғларимиз фаолиятини янада яхшилаш, янги ва замонавий аттракционлар куриш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фарзандларимизнинг кўз-қўлидаги кулги, лабидидаги табассумни ўқиб қийин эмас. Бу кайфият замирида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, болаларга яратиб берилаётган шарт-шароит, халқимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик ётгани ойдек равшан.

Боғдан чиқар эканмиз, шоир ҳайкалида ақл этган улғуворлик руҳини кўтарди. Болаларнинг шўхшодон кулгисини эшитиб, беихтиёр сиз дунёдаги энг бахтиёр фарзандларсиз, дегимиз келди.

Пардабой ТОЖИБОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳром АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувоп НАҲБИДИНОВ, Мухаммаджон КУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улғубек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САҒОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмет ХУДОЕВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 927, Адади — 6413. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Мухтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Дилфуза РЎЗИЕВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 22.30.
ISSN 2010-7714